

**Ғ.Қудратов, М. Ҳошимов, С.Каримов,
М. Ҳошимова, И.Усмонов**

Самарканд ва Соҳибкирон

«Зарафшон» нашриёти
Самарканд-2007

Самарканд шахрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланади.

Ғ.Қудратов, М.Ҳошимов, С.Қаримов, М.Ҳошимова, И.Усмонов.
Самарканд ва Соҳибқирон. (Масъул муҳаррир-география фанлари
доктори, профессор А.Абулқосимов)

«Зарафшон» нашриёти, Самарканд, 2007 йил. 35 бет.

Рисолада Амир Темур даврига оид Самарканд тарихи ва табиий
географияси ҳақида янги қизиқарли маълумотлар берилган.

Амир Темурнинг ободончилик ва Буюк ипак йўлини тиклаш
ҳамда мустаҳкамлаш йўлидаги фаолияти нўша давр манбалари асосида
ёритилган.

Рисола Самарканд тарихи ва географиясига қизиқувчи барча
қитобхонлар учун мўлжалланган.

Такризчилар: Тарих фанлари доктори Ш. Аҳадов
География фанлари номзоди А. Аббосов

МУКАДДИМА

Амир Темур жахонни забт этган жахонгирлар ичида ўз фаолиятининг кўп кирралари билан ажралиб турувчи улуғ инсон. Жахонни забт этиш орзусида юрган жахонгирларнинг баъзилари ўз максадига етиш йўлида нъз юртини ташлаб чикиб кетган ва Ватанга қайтишмаган, асрлар оша ватандошлари уларнинг изларини ўз юртларида топа олмай ханузгача изланишдалар. Бошқа жахонгирлар максадга етиш йўлида ўз юртларини ҳам, ўзга юртларни ҳам бузиш, вайрон этиш билан шугулландилар. Улар ўтган йўлларда конли излар, култепалар қолди. Учинчилари эса ўз фаолиятларини факат босиб олган янги ерларида кўрсатдилар. Амир Темурнинг бошқа жахонгирлардан фаркли равишда асосий максади жахонни забт этишдан ташқари, юртни обод этиш ҳам эди. Бошқа юртларни эгаллаган вақтида халқ орасидан мохир усталарни, билимли кишиларни ажратиб нъз ватанига юборди. Амир Темур фаолияти натижасида Мовароуннахр гуллади, обод бўлди; пойтахт Самарқандда бир-биридан гўзал қасрлар барпо этилди, улар атрофини боғлар халқаси ўради. Бундай қурилишлар факатгина пойтахтдагина эмас, бутун мамлакат микёсида олиб борилди.

Амир Темур фаолиятининг яна бир кирраси, ўзидан олдин ўтган олиму фозилларни хурмат қилиш, уларнинг ватан олдидаги хизматларини тақдирлаш бўлган. Жахон Султони – Амир Темурнинг Хазрати султонул-орифин Аҳмад Яссавийга бўлган эътиқоди натижасида у кишининг қабри устида Турондаги энг улкан макбара қад кўтарди. Амир Темурнинг хизматларини, табиийки, халқ кўрар, билар эди. Шу сабабли буюк Амирнинг хизматларини тақдирлаш максадида, у кишининг вафотидан кейин халқ томонидан, табиатнинг нодир маконларига у кишининг номлари қўйилади. Шу билан халқ томонидан Амир Темурнинг хизматлари тан олиниб, ихтиёрий равишда муносиб тақдирланди. Муаллифлар табиийки, бу кичик рисолада Амир Темур фаолиятининг барча кирраларини таҳлил қилишни максад қилиб қўйган эмас. Муаллифлар Амир Темур ўтган кўп жойларда бўлишиб, у кишининг фаолияти изларини кўришиб, таҳсин ўқидилар ва ушбу хотиралар натижасида ушбу кичик рисола юзага келди. Рисола ёзилишида ушбу мавзу бўйича олдин қилинган кўпчилик ишлар таҳлил этилди ва бу соҳада асосан қатта ишлар қилган марҳум ўлкашунос В.И.Кучеравич, географ А.Маметов мақолаларидан фойдаланилди.

САМАРКАНД ВА НОДИР ТОШЛАР

Кимматбахо ва оддий табиий тошларни бирга ишлатиб биноларни безаш Шарк маданияти учун хос хусусиятларидан бири бўлиб, бу анъана Самарканд шаҳрида ривожланган эди. Асрлар давомида Мовароуннахр пойтахти Самарканд йирик қурилиш майдонига айланиб, қурилатган бинолар ва хиёбонлар табиий тошлар билан безатилган. Шаҳарда қурилган кўпгина биноларда табиий тошлар инсон томонидан яратилган сунъий ашёлар билан уйғунлашиб ишлатилгани учун такрорланмас гўзаллик яратилган. Табиий тошлар ишлатиладиган яна бир жой, қабр устига ёдгорлик ўрнатишдир. Самарканднинг қадимги дини зардуштийликда, инсон жасади қолдиқлари махсус идиш оссурийларда сакланадиган бўлса, ислом дини келганидан сўнг улар ерга қўйиладиган ва унинг устида қабр тошлари ўрнатиладиган бўлди. Қадимги қабр тошлари, дарёда учрайдиган қайроқ тошларидан ўрнатиладиган бўлса, Амир Темур ва темурийлар вақтида мраммрдан ишланган гўзал, тарашланган ёдгорликлар қўлланиб, улар тош ўймақорлиги санъатининг юқори даражасида эдилар. Бинолар қурилиш жараёнида тош ишлатиш санъати эса Самаркандда қадимги замондан қўлланилган. Самаркандга мўғуллар истилосидан сўнг ташриф буюрган Ибн Бойбутти энди шаҳар ташқарисида қолиб кетган Шохизиндани тасвирлаган эди. Макбара устида «гумбазлари тўрт бурчак бино қўтарилган: ҳар бир бурчагида иккитадан мраммр устун турибди. Бинонинг деворлари ҳам зарҳал нақшли ранг-баранг мраммрдан қурилган: томи қўгошиндан». Бинобарин нодир ва кимматбахо тошларни қўллаш Амир Темур ва темурийлар вақтида қучли ривожланди. Амир Темурнинг шаҳардан ташқарида қурилган қасрларидан бирининг таги гилам шаклида табиий тошлардан териб чиқилган бўлиб, бу гиламда гулзор қўрсатилиб, ундаги ҳар бир гулнинг шохлари, барглари, гуллари ҳар хил табиий тошлар билан безатилган эди. Шу давр учун яна бир ўзига хос хусусият, табиий тошларни олиб келишда масофанинг узоклиги ҳисобга олинмас эди. Масалан, Амир Темур вақтида Табриз шаҳри атрофидаги қонлардан оч яшил рангли серпартин бўлақлари олиб келиниб, Самарканддаги Боги Шамол богидаги қасрга ва Туркистондаги Ҳазрат Аҳмад Яссавий қабри устига ёдгорлик ўрнатилган эди. Шу сабабли Амир Темур ва унинг авлодлари

томонидан курилган Самарканд шаҳрининг кўп сонли тарихий ёдгорликлари ўзининг архитектураси ва улугворлиги билангина эмас, нодир тошлардан сайкал берилган биноларнинг гўзаллиги билан ҳам оламдаги барча улугвор бинолардан фарк қилади. Унинг замонидаги бинокор усталар хилма-хил маҳаллий нодир ва оддий тошларни моҳирлик билан ишлатиб бино пештоклари, шифти ва тагини безатишда фойдаланганлар, натижада бу бинолар санъат асарларига айланган.

Амир Темур давридаги энг кўп қўлланилган табиий тошлардан бири мрамор ва мраморлашган оҳактош бўлган. Улардан Шоҳи Зинда макбарасининг зиналари ҳамда хоналарининг тагини безашда қўлланилган. Бу тош билан Регистон майдони ва Гўри Амир макбарасининг ховлиси безатилган. Мрамордан ишланган нодир асарлар ҳозир Гўри Амир макбарасининг ховлисидаги, Амир Темур вақтида эса Кўксаройда турган тахт тоши, унинг олдидаги ўлкан мрамор қосадан иборат бўлиб, бу нодир буюмлар Амир Темур вақтида ясалган эди. Мрамордан ясалган нодир буюмлардан яна бири Бибихоним масжидининг ховлисида турган тўққиз оёқли ва икки қисмдан иборат ўлкан қуръон турадиган тағликдир.

Амир Темур даврида кўп ишлатилган ярим қимматбаҳо табиий тошлардан бири нур ўтказадиган сутранг ёки сарғиш рангдаги юмшоқ ҳакик тошидир. У билан Амир Темур вақтида курилган, невараси Муҳаммад Султонга бағишланган, кейинроқ эса Амир Темурнинг ўзи дафн этилган машҳур Гўри Амир макбарасининг деворлари олти қирра пластиклари шаклида безаб чиқилган ҳамда унинг невараси Муҳаммад Султон ва Амир Темурнинг қуйи қабри устига ҳакик қўйилган. Бу тош ўзининг сифати жиҳатидан ярим қимматбаҳо тошлар сирасига кириб, ўзининг сарғимтир ва пистокيرانг турлари нимаси биландир қадимги грекларга инсон тирноғи рангини эслатгани учун қадимги номи греклар томонидан «ОНИС» - тирноқ деб аталгандир. Бу тош билан Гўри Амир макбарасининг гулдор панжараси ҳам ясалган бўлиб улар орасига (змеевик)дан (у ҳозиргача сакланмаган) қўшимча нақш берилган. Умуман, Амир Темур ва унинг авлодлари вақтида ҳакик тоши кенг қўлланилган. Ҳозирги Мустақиллик майдонининг тагида қолган Кўксаройда ҳам ҳакиқдан ясалган ўлкан устунлар қолдиқлари топилган. Чўпонотадаги Улугбек давридаги «Чиннисарой»нинг баъзи бир хоналаридан сувли ҳовузлар излари ҳам топилган бўлиб, уларнинг қуйи

кисми геометрик шаклдаги ок ва кулранг мармар кўкимтир-сарик ярим мармар, хакик, тўк-яшил «серпантин» тахтачалар билан копланган. Умуман Шарк мамлакатларида хакик кўпрок фавворалар ва ховузларни нақшлашда ишлатилиб, у жойларда тоза сувнинг кўкимтир ранги, саргимтир кўк хакик ранги билан кўшилиб ранглар камалагини ташкил этган. Лекин Самарканддаги ёдгорликлар ичида Гўри Амирда хакик тоши кўп ишлатилган. Бунга бир сабаб бормикан? Бизга маълумки, Шарк халкларида кимматбаҳо тошларнинг сеҳрли хусусиятларига ишониш ва уларни илохийлаштириш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай ҳолларда бу тошларнинг сеҳрли кучига ишонилган ва улар омад, бойлик, бахт тимсоли сифатида ва ёки бахтсизлик, касаллик, камбағаллик келтирувчи каби турларга бўлинган. Шу сабабларга кўра, ҳар бир кимматбаҳо тошни ишлатишда маълум урф-одатга амал килинган ва ўзига хос ишлатилиш аҳамияти бўлган. Эҳтимол, мана шу белгиларга қараб Мухаммад Султон қабри усти хакик ва Амир Темур қабри усти нефрит тоши қўйилиши сабабларини излаб кўрармиз?

Хакик тоши инсоният томонидан энг қадимий даврлардан бери кимматбаҳо тош сифатида ишлатилган. Ўзининг чиройли ташки кўриниши ва ишлов беришда осонлиги учун бу тош биноларнинг ташки ва ички безаклари сифатида ва баъзи бир турлари эса заргарлик саноатида ўтган даврларда ва ҳозир ҳам ишлатилади.

Хакик тоши инсоният цивилизациясида биринчи марта муқаддас тош сифатида ҳам қўлланилган. Тарихий маълумотларга кўра, қадимий Мисрда муқаддас идишлар ва безаклар ясалган.

Кўпчилик давлатларда улкан, қадрли бинолар хакик билан безатилган. Джон Роскин Венгриядаги авлиё Мария ибодатхонаси хакик безакларини таърифлар экан, «хакик дунёдаги мўъжизалардан биридир», деган эди.

Хакик тошидан ишланган нодир безаклар дунёнинг барча музейларида эҳтиёт қилиб сақланади. Қадимги дунё кўлёзмаларида таъкидланишича, хакикнинг бой қонлари Миср, Мексика, Аргентина, Шимолий Америка (Калифорния штати), Италия, Жазоир ва Арманистонда учраган.

Лекин шу давлатлар ичида кимматбаҳо тошлардан фойдаланишда усталлиги билан машҳур бўлган қадимий Ўрта Осиё хакикни анча кам ишлатгани сезилади. Нима учун? Бу саволимизга ўрта асрларда яшаган

буюк мутафаккир Абу Райхон Мухаммад ибн Ахмад Ал-Берунийнинг «Кимматбахо тошларни аниклаш учун маълумотлар йигими» (Минериология) асарида жавоб топамиз. Унинг «Тошлар хакидаги китоб» ёзишича «Хитойда хакик кони бўлиб, унга ёмонлик белгиси сифатида якинлашилмаган, уни камбагалчиликда колган одамлар казиб олиб бошка ёкка юборишган, бунинг сабабини махаллий аҳоли таъкидлашича, хакикни такиш кўп ташвиш келтиради, агар уни болаларнинг бўйнига такилса уларда сўлак оқиши бошланади, хакикдан килинган косадан овкат ичган одам уйкусизликка йўликади. Айтишларича, Яман шохлари ҳам хакикдан эҳтиёт бўлишган ва бунинг сабабини унинг номида деб билишган (хакик арабча джаз, «хафачилик, кайгу»)).».

Амир Темур авлодлари томонидан қўлланилган кимматбахо тошлардан бири унинг қабри устига қўйилган машхур қўк тош – нефритдир. Бундай тошга Амир Темурнинг ўзи ҳам ҳаётлик вақтида кизиккан. Ахмад ал-Хавофи маълумотига кўра, Амир Темур нефрит топиб келиш учун Амир Жахоншоҳни бир неча минг киши билан хорижга жўнатган. Лекин Амир Жахоншоҳ бу вазифани бажара олмаган. Темурнинг кизикиши факат ўлимида кейингина амалга оширилган. Невараси Улугбек бобоси истаган тошни унинг қабри устига 1424 йил Мўғилистон хони Шермухаммад устидан галабадан кейин Чу дарёси ёқасидаги Кетмантепа тоғидан олиб келиб ўрнатган. Нефрит тошга Амир Темурнинг нима учун бунчалик кизиккани хакида бизда аник маълумотлар йўқ. Лекин нефритнинг хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, у чиройли ташки кўринишидан ташкари кучли мустаҳкамликка эга. Яъни нефрит тошининг 1 см^2 юзаси 7 тоннага қадар босимга чидаш беради. Худди шундай мустаҳкам тошдан атрофимизда кўп учровчи гранит эса 1 см^2 юзаси 2,5 тонна босимга чидайди. Германияда нефритнинг мустаҳкамлигини синаб кўриш учун «пулат кироли», Крупп заводида уни энг мустаҳкам бургу билан тешмокчи бўлишган. Буни қарангки, энг мустаҳкам ҳисобланган бургу ҳам нефритни тешолмай ўзи парчаланиб кетган. Мустаҳкамлиги ва чиройлилиги учун нефрит тоши қадим замонлардан буён қадрланиб келинган. Бу тошнинг бир килограмми учун қадим замонларда 1000 олтин танга берилган. Тарихчи Мирхонд маълумотига кўра, Хитой императорларидан бири Амир Темур қабри устидаги нефрит ёдгорлик

учун 100000 дирхам ваъда килган. Чунки ўша вақтда Хитой императорлари девонларида нефритдан император ва унинг якинлари ҳамда дипломатлар учун махсус хужжатлар тайёрлашган. Бундан ташқари қадимда нефрит тошида бир сеҳрли хусусияти бор деб ўйлашган.

Нефрит тоши қимматбаҳо безак сифатида Ўрта Осиё ва унинг атрофидаги давлатларда қадим давлардан бери бойлик ёки сигиниш белгиси сифатида ишлатилган. Л.Н. Гумилевнинг «Хунны» китобида ёзилишича (4 с. 129) эраизга қадар III асрдаёқ ҳозирги туркий халқларнинг узок авлодлари бўлмиш хунлар нефрит тошини бойлик сифатида ишлатишган, «Лекин бойлик деганда ҳозир биз тушунганимизга қараганда бутунлай бошқа маънода тушунилан. Бу «бойлик», мазмунига кўра қайта ишланган нефрит бўлаклари бўлган». Яна Л.Н.Гумилев маълумотига кўра, бу минерал сигиниш белгиси ҳам бўлган. «Шу туфайли унга боглик дуалистик дунёқараш пайдо бўлиб, осмон – ота-мехр ва ер – она-ўлим ҳамда улардан доиравий сигиниш пайдо бўлиб, уларнинг белгиси сифатида оқ нефритдан доиралар ва халқалар ясалган».

Беруний ҳам ўз вақтида нефритнинг белгиси ҳақида ёзиб қолдирган: «Маълумот беришларича, нефрит ёки унинг бир тури галаба тоши деб аталган ва шу сабабли турклар яқкама-яқка қурашда ва урушда голиб қилиш учун у билан қиличларини, эгарларини, камарларини безашган. Кейин уларга бошқа халқлар ҳам тақдир қила бошладилар (ва шу мақсадда) ундан узуклар ва пичок дасталари ясай бошладилар». «Танланган китоб»да ёзилишича, нефрит галаба тоши ва турклар уни рақиблари устидан галаба қозониш учун ишлатганлар».

Юқоридаги маълумотларга асосланиб тахмин қилишимиз мумкинки, ўз халқи урф-одатини яхши билган буюк мутафаккир Улугбек, бобосининг буюк галабаларига таъзим қилган ҳолда, жаҳон ҳукмдори ва голиб Темурнинг қабри устига галаба тоши-нефритдан ёдгорлик тоши ўрнатган, севиқли невараси Муҳаммад Султон ўлиmidан кейин Амир Темур унинг бевақт қазоси белгиси сифатида унинг қабрига ҳафачилик, қайғу тоши-ҳақикдан ёдгорлик қўйган ва қайғу белгиси бўлган шу тоши билан Гўри Амир макбарасининг ички қисмларини безатишган. Тарихчилар маълумотига кўра, «1403 йили Муҳаммад Султоннинг ўлиmidан сўнг унинг жасадини мадраса

бурчакларидан биридаги дарсхонага вақтинча дафн этдилар. Мусибатзода бобо томонидан макбара куриш буюрилди, макбара хонако ҳамда мадрасадан иборат бўлган кўш бинога жануб томондан туташади. «Серкобирга» гумбаз остидаги макбаранинг мутаносиблиги хайратланарли даражада уйгундир. Макбара гумбази ва барча деворларини хассосона кошин безаклар копланган, шунингдек ички безаклар ҳам гаройиб, унда зархалланган, нақшланган шифтнинг сатхига нақш чекилган, нодир тошлар мурассаъ этилган мармар ҳамда чизикли хакик тахтачалар кадаб тўлдирилган».

Тошлар билан безаш ишлари Амир Темур давридан сўнг ҳам давом этган, Темурийлардан кейинги шайбонийхонлар сулоласи дахмаси ҳам бу тўғрида маълумот беради.

«Шайбонийхоннинг жасадини ўгли Мухаммадтемур Самаркандга олдириб келиб Олияи хония мадрасаси ховлисидаги супага кўмдирди. Шундан буён бу мадраса Шайбонийхон номи билан аталади. Кулранг мармар копланган, бурчакларида устунлари бор, чоркирра, юксак, яхмин супа шаклидаги дахма мадраса ховлисининг ўртасида жойлашган».

АМИР ТЕМУР ВА АХМАД ЯССАВИЙ

Амир Темурнинг Ахмад Яссавийга эътиқодини, унинг шоир каби устига курдирган, уша давр меъморчилигининг муаззам ёдгорликларидан бири- Яссавий макбараси тимсолида кўриш мумкин. Ўрта асрлар Туркистон элининг азим шаҳри бўлган Ясси (кейинчалик Туркистон) заминида қурилган улугвор бино, беш юз йилдан ошиқроқ вақт давомида Амир Темурнинг Ахмад Яссавийга эътиқоди белгиси сифатида ҳозирда икки мустақил Ўзбекистон ва Қозоқистон давлатларини ҳам бир-бирига боғлаб турибди.

Амир Темур замонида қурилган бинолар ичида Ахмад Яссавий макбараси энг улугвор ва айни вақтда яхши сақланганидир. Ушбу макбара Амир Темур фармони билан 1337-1405 йиллар давомида қурилган. Самарканддан олти юз километр масофадаги Ясси шаҳрида қурилган улугвор бино Амир Темурнинг Ахмад Яссавийга эътиқодининг гоят улканлигини кўрсатади. Тарихий маълумотларга қараганда 1397 йилда Самаркандда Амир Темурнинг бошқа бир

иждодининг намунаси, Тъколхонимга атаб курдирган Дилкушо бог-сараби битказилган эди. Ундан бир мунча олдинрок Жахонгирнинг ўзи хонимни кутиб олиш учун йўлга чиқади ва Охангаронда кишлаш учун тўхтайди. Ушбу шаҳардан йўлга чиккан Жахонгир 1397 йил сентябр ойида Ясси шахрига келади ва Ахмад Яссавий мазорини зиёрат қилади. Эҳтимол, Жахонгир ўша юрагида кўпдан бери саклаб юрган орзусини амалга оширган, Ҳазрат Султон шарафига макбара бунёд этиш учун фармойиш берган, яъни иншоот қурилишига доир махсус ҳужжат-вакфнома ёздирган. Бу ҳужжатда макбаранинг умумий режаси, ташки қўрилиши ва ички безаклари қўрсатиб берилган. Эҳтимол, ушбу вакфномада яна бир савоб ишга қўл урилган, яъни ўша вақтда Ясси шахрида яшаб турган Ахмад Яссавий авлодигача макбара қурилгандан кейин у жойда шайхлик қилиш топширилган ва бу одат шу даврдан бошланиб қонунга айланган, ҳамма вақт макбарада Ҳазрат Султон авлодидан бўлган ўқимишли инсонлар шайхлик қилишган, уларнинг сўнгги вакиллари 1908 йилда вафот этган Абдусамат Хожи ва кейинги вақтдан то 1960 йиллар охиригача у кишининг ўғиллари Асадуллахон бўлган.

Иншоотни қуришга бошчилик қилиш Амир Темурнинг буйруғи билан у кишининг ишончли мулозимларидан мавлоно Убайдулла Садр деган кишига топширилган.

Ахмад Яссавий макбараси ўша вақтда Турондаги энг улкан бинолардан бўлиб, узунлиги 70 метр, эни 50 метр, асосий пештокининг баландлиги 40 метрдир. Унда жами 364 хона мавжуд бўлиб, ҳар қайсиси ўзига хос гўзалликка эга ва айни бир вақтда макбара салобати, улугворлиги, безакларининг нафислиги билан киши диққатини ўзига тортади. Ушбу бино Ясси шахрининг энг баланд жойида қурилгани учун узокдан қуёш нурида ярқираб, жиқоланиб қўринади. Икки баланд минора ва бу минораларни бирлаштирган арқ макбаранинг асосий пештоқини ташкил этади. Баъзи бир жойларда безак ва қошинқорлик ишлари ниясияга етказилмай қолган.

Макбаранинг қираверишида «қозонхона», деб аталган квадрат шаклидаги гўмбазли кенг зал бор, унинг полига ётқизилган сопол плиталар дастлабки даврида қандай бўлса, ҳозир ҳам деярли шундайлигича сакланган. Бу залга қирган вақтингиздан ўзингизни гўё ҳашаматли саройга қиргандек ҳис қиласиз. Қозонхонанинг бўйи ва эни

саккиз ярим метрдан. Залнинг ўртасида кирк кулоклик дошкозон кўйилган. Дошкозоннинг диматери 2,5 метр, огирлиги икки тонна. Бу козон йигирманчи йиллар охирларида Ленинград шахридаги, Эрмитажга олиб кетилиб, Тўксонинчи йиллардан кейин кайтариб олиб келинган. Бир вақтлар бу козонда ҳар жума кунлари икки ботмон гўшт, икки ярим ботмон бугдой солиб, ҳалим пиширишар ва факир-фукарога таркатилар эди (бир ботмон 192 кг.).

Макбарага Амир Темур томонидан совга килинган ушбу дошкозон Ясси шахрида 25 км нарида жойлашган Карнок кишлоғида қўйилган деган фикр мавжуд ва ушбу кишлоқда козон қўйилган дегрезлик устахонаси қолдиқлари ҳали ҳам мавжуд экан. Козон четидаги ёзувлар унинг табризлик уста Шарафиддин Абдул Азиз ўғли Амир Темур буйруғи билан хижрий 801 йилда қўйилганлигидан далолат беради.

Марказий зал гумбазининг баландлиги 39 метр ва у дастлаб қошинлар билан безатилган бўлсада, кейинги реставрация вақтида ганг билан сув юборилган, макбара деворининг ташки томони мураккаб гулли рангдор қошинлар билан безатилган (6 с. 56).

Марказий залнинг ўнг томонида жойлашган кичик оқ сарой катта зал билан йўлак орқали бирлашади. Кичик оқ сарой билан ёнма-ён ҳолатда катта оқ сарой қурилган. Катта оқ сарой козонхона билан иккинчи йўлак орқали туташган. Катта залнинг чап томонида бир нечта ёрдамчи хоналар, жумладан, ҳалимхона, кутубхона ва кичик масжид бор. Масжид меҳробига гул ва нақшлар билан безак берилган. Меҳроб илгари қандай бўлса ҳозир ҳам деярли шундайлигича сақланган.

Катта залнинг қаршисидаги хонага Аҳмад Яссавийнинг мрамор тобути қўйилган дахма бор. Дакма макбаранинг марказий қисмида жойлашган. Макбаранинг бош гумбази қобиргалари нақшланган қошинлар билан безатилган.

Гумбаз қошида арабча хат билан битилган лавҳа ўрнатилган. Дакманинг эшиги нақшлар билан безатилиб, унга нодир санъат намунаси бўлган жез халқа ўрнатилган. Дакма ичидаги шамдон ҳам Амир Темур томонидан макбарага совга қилинган бўлиб, унинг асосини исфакхонлик уста Изамиддин Ибн Тождиддин 1397 йил ясаган эди. Ҳозир бу шамдон Париждаги Луврда, асоси эса Санк-Петербургдаги Эрмитажда сақланмокда.

Тарих бизга макбарани курган усталарнинг номини ҳам саклаб колган. Булар Хўжа Хасан Шерозий ва кошинкор Шамс Абул Вахоб Шерозийлардир.

Амир Темур вафотидан кейин шахзодалар ўртасида тахт учун кураш бошланиб XV аср охирида Туркистон шаҳри ва атрофлари темурийлар кўлидан кетди. Лекин бу хали Туркистон билан Темур авлодлари ўртасида Жаҳонгир боболари бошлаб берган алоқалар узилди, деган гап эмас эди.

1451 йилда Амир Темурнинг набираси Абу Саид Абулхайрхон ёрдамида Самарканд ва бобоси тахтини эгаллайди. Шундан кейин Самарканд ва Туркистон ўртасидаги алоқалар кучаяди. Темурнинг невараси – Мирзо Улугбекнинг кизи Робия Султонбегим Абулхайрхонга узатилади. Ундан икки фарзанд - Кучкунчихон билан Суюнчихон тугилади. Вафотидан кейин Робиябегим макбара ёнидаги алоҳида дахмага дафн этилди. 1895 йилда унинг жасади қайта дафн этирилиб Аҳмад Яссавий макбарасига кўчирилди. Фарзанди Суюнчихон ҳам Аҳмад Яссавий макбарасига қўйилган.

XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Туркистон шаҳрини козок хонлари босиб олиб, уни ўз хонликларининг пойтахти қиладилар. 1583-1598 йилларда Туркистон яна Бухоро Амири Абдуллахон кўлига ўтади. Абдуллахон Яссавий макбараси бош пештокининг чала колган қисми қурилишини ниятисига етказди.

АМИР ТЕМУР НОМИДАГИ ТАБИАТ ОБИДАЛАРИ

Амир Темур даврида куч-қудратга тўлиб, номи оламга машхур бўлган Турон заминнинг юраги-хазирги Ўзбекистон майдонига тўғри қелади. Ўзбекистон майдонида эса хилма-хил табиат манзаралари мавжуд бўлиб, ундан сўлим водийлар, кўкка бўй чўзган қорли тоғлар, тандирдек чўгга айланган чўл, сахро ва биёбонларга бойдир. Табиат обидаларидан бўлган хилма-хил дара, қор, қишлоқлар, чўққил ва чўққиллар мавжуд бўлиб, улар бетакрор гўзалликлари билан қишлоқ дикқатини жалб этади. Амир Темурнинг Турон олдидаги хизматини тан олган халқимиз, у қишлоқнинг номи билан ўлкамиздаги улкан ва гўзал табиат обидалари номини аташган. Жаҳонгир номи билан аталган табиат обидалари республикаимиз ҳудудида бир неча жойда учрайди ва айни бир вақтда

уларнинг кўпинча иккинчи номлари хали мавжуд бўлиб, у ном Амир Темурга кадар бўлган ва Амир Темур дахоси оламга ёйилгандан кейин, халкимиз ўз ташаббуси билан у кишининг номларини табиатнинг бошка жойлардан нимаси биландир фарк килувчи нодир, улугвор, гўзал ва бетакрор жойларига кўйишган.

АМИР ТЕМУР КУРАГОНИ ВА АМИР ТЕМУР ГОРЛАРИ

Жанубий Ўзбекистон худудида хозирга кадар 320 дан оширок табиий горлар ўрганилган бўлиб, уларнинг ичида икки гор ўзининг катталиги, тузилиши, гўзал жойда жойлашганлиги ва Амир Темур хаёти билан боглик жойга якинлиги билан фарк килади. Шу сабабданми, авлодларимиз орасидаги масофа улкан бўлишига карамасдан уларни бир хил ном билан, буюк жахонгир номи билан аташган. Улардан бири Зарафшон тогида жойлашган Амир Темур гори бўлса, иккинчиси Хисор тогида Амир Темур курдирган гордир.

Самарканд оша Тахти Корача доводидан ошиб ўтиб, Тарагайсой бнйлаб Зарафшон тизмасининг бир тармоги бўлган Коратепа тогининг жанубий марказидан юрамиз. Сойнинг охирида Тарагай кишлоги жойлашган бўлиб, бу сой хам, кишлок хам Амир Темурнинг отаси номи билан аталган ва ривоятларга кнра Амир Темурнинг отаси Тарагай Баходир шу ерлик бўлган. Тарагай кишлогидан ўтгандан кейин автомобил йўли тугайди. Бу ердан токка чикувчи тик сўкмок йўл бор, холос. Тик сўкмок билан тог томонга юрсангиз эчки юрувчи сўкмок илон изи бўлиб, гохи тик коялар ичида гойиб бўлади, гохида яна пайдо бўлиб, кўм-кўк тог ўтлоклари ичида давом этади. Деярли икки соатча сўкмок бўйлаб олдинга юрилган йўл тик коялар ичида тугайди. Бу ердан одам ўтиши мумкинлигини факатгина диккат килиб караганда, коя ёнбагрида ок дог бўлиб кўринган одам ўтиши натижасида силликланган жойгина кўрсатиб туради. У ердан ўтилгандан кейинг тик ёнбагирда гор огзи кўринади. Горнинг бошланиши тўгри чизик шаклида меридианал йўналишида 25 метр давом этиб, унинг кенглиги 1,5-2 м, баландлиги эса 2 метрча. Бу ўзига хос йўлакдан ўтилгандан кейин яна ёругликка чикилади ва бирмунча юрилиб горга кирувчи асосий йўлакка дуч келинади. Горнинг кириш кисми тор ёрик шаклида бўлиб, 45⁰ гача

киялик билан 0,5 метр кенгликда ва 1,5 метр баландликда, 10,5 метргача шу холда давом этгандан кейин юкоридан катта харсанг тош осилиб тушган ва йўлакнинг баландлиги 1 метргача пасайган, йўлакнинг бундай пасайиши бир неча ўн сантиметргача давом этади, бу масофа ўтилгандан кейин йўлак 1,5-2 метргача баландлашади. Йўлак 21 метр горизонтал йўналади, кейин йўлакнинг киялиги кескин ошади ва 3 метр масофа деярли 2,5 метргача чуқурлашади. Киялик тугагач йўлакнинг кенглиги ва баландлиги ошади, шифти 3 метрга, кенглиги 2 метрга этади. Тор йўл шу шаклда 20 метрга давом этади ва охирида киялиги 40⁰ гача этади. Бу киялик тугагач, унинг кенглиги ошади ва зал шаклига киради. Бу зални биринчи бўлиб текширган сайёх Л.А.Канаев «Катта зал», деб атаган ва унинг майдони 20 кв метр, шифтининг баландлиги 15 метргача этади.

Бу катта зал гарбга кескин бурилиб, 18 метргача чўзилади ва баландлиги то 12 метргача етган «Кичик зал»га айланади. Кичик зал ҳам аста-секин кенгайиб бориб 6 метр кенгликка, 15 метр баландликка ва 25 метр узунликка чўзилади. Горнинг асосий кисми шу жойда тугайди деса бўлади, колган кисмлари секин торайиб, баландлиги 70 см, кенглиги 50 см бўлиб, 10 метрча давом этади ва бир нечта бундай тармоқлар, хар тарафга йўналади. Бизнинг текширишларимиз натижасида горнинг ҳамма залларида инсон яшаганини кўрсатувчи биронта белги топилмади. Амир Темур горининг умумий узунлиги 450 метр. Горнинг факат мутахассисларнигина кизиктирувчи бир хусусияти бўлиб, юзаки караганда у гранитларда жойлашганлиги билан ажралиб туради. Откинди бу жинслар эса эримайдиган тоғ жинслари группасига кириб, бундай жойларда горлар мавжуд бўлмаслиги керак. Лекин диккат килиб каралса, гор йўлакларида карстланувчи охактош колдикларини учратиш мумкин. Демак, гранит жинсларнинг ичида эрувчан охактош катлами жойлашган ва бу катлам эриб, Амир Темур гори пайдо бўлган.

Афсоналарга кўра Амир Темур хали Турон тахти учун курашиб юрган ёшлик вақтларида Хисор тоғи ёнбағридаги бир улкан горда содик аскарлари билан бир мунча вақт яшаган, бўлажак жангларга машк килишган ва уни одам яшаши учун ободонлаштирган экан. Шу сабабли мазкур гор ханузга қадар у кишининг номи билан Амир Темур гори деб аталаркан.

Хисор тоғларидаги Амир Темур яшаган гор тўғрисидаги афсона кўп одамларни хаяжонга солган. Эхтимол, Амир Темур вафотидан кейин бу горга бир неча экспедициялар уюштирилиб, ўрганилган бўлса керак. Бу экспедициялар, эхтимол, горни текширишган ва хар бир ўрганиш жараёнида ундаги Амир Темурга оид ашёвий далиллар ҳам камайиб борган бўлса керак. Энг ёмони ўша изланишларнинг бизнинг давримизгача етиб келган ёзма маълумотлари сакланиб қолмаган. Факатгина ягона хужжат 1910 йилда Бухоро амири Абдуллахон томонидан Шахрисабзга бек қилиб тайинланган Мирза Салимбекнинг горни ўрганиш вақти қолдирган қиска ёзма хотираларидир. Унда шундай ёзувлар бор: Тушлик ва дам олишдан кейин биз-йигирма киши Темур қасрини кўриш учун бордик. Биз юқорига тахминан қирк-эллик қадам кўтарилдик. Бу жойда улкан дарвоза қолдиқлари турарди ва у орқали қаср ичига қирдик. Бу жойда юз қадамча келадиган ва отхонани эслатадиган усти ёпик улкан бино жойлашган эди. У тўлиқ қояни бўйлаб ясалган эди. Бинонинг эни ўттиз газга яқин эди. Икки тарафдаги деворлар йўнилган тош бўлақларидан терилганди. Деворлар мраммрдан йўнилган устунлар жойлашиб баъзи бировлари жойларида мустақкам турар, баъзилари эса синдириб олинган ёки ярим синик қолда эди. Бинонинг қаландлиги шу қаражада эдики, ундаги отлик қиличли қўлини қўтарса шифтга етмас эди. Қарча иншоотлар тоғ қинсларидан ясалган эди. Уларни кўриб, биз ташқарига қикдик ва шақар қарвозасига ўхшаш қатта қарвоза олдиға қикдик. Лекин унинг қанотлари жойида эмас, уларнинг ўрни эса зўрга қўринар эди. Мирза Салимбек ҳикоясининг қавомига қорға зинақоялар қилан қикар экан, тахт жойлашган жойни ва йўнилган тошлардан ясалган бир неча супаларни қўрганини ёзади.

Мирза Салимбек ҳикоясидаги қорнинг ички тузилиши таърифи бизни қизиктирди.

«Бу жойдан биз қор ичига қордик. Шифтнинг қаландлиги биринчи отқона қаландлигига тенг эди. Иншоотнинг юқори қисми йигирма газға яқин қеларди. Юқориси ёпик, тош ва деворларининг қаландлигидан юқсак тоғға ўхшаб қетарди. Ички деворлари тўлиқ бўртма суратлар қилан қопланган эди.... Икки деворларида қатта ва қичик қовақлар уйилган эди. Қовақларнинг қўпчилиги тош қанжара қилан қопланган. Қар-қар жойда тошдан бўйлаб ясалган шамдонлар турарди. Баъзи бир жойларда эса тошдан ясалган қўл теғирмонлари ётарди. Қўлда яшаётган

одамлар, чўпонлар, эхтимол, бу жойдан уларни олиб кетиш ёки синдириш учун келишган, лекин ишларини охирига етказишмаган. Ўзимиз билан нон, гўшт, сув, бошка озик-овкатлар олиб, машъалларни ёкиб тахминан икки юз кадамча юрдик ва Бухородаги заргарлик устахонаси гумбази шаклидаги кенг ва йўлакларга бўлинган жойга чикдик.

Унинг ўртасида ок кўкимтир мармардан ясалган катта стол турарди. Бу залда биз тахминан ярим соатлар атрофида бўлиб ҳамма жойини ўрганиб чикдик, ўша жойдан ичкарига киришга интилиб кўрдик, лекин у ёкга йўл борган сайин торайиб борар эди».

Шу ерда Мирза Салимбекнинг ёзма хотираси тугаган. Орадан 95 йил вақт ўтди. Иккинчи жаҳон уруши тўлкинлари ҳам бу жойга етиб келди. Эхтимол, Мирза Салимбек Амир Темур даврида кўйилган ашёвий далилларни кўрган охирги одам бўлган. Урушлардан кейин гор атрофидаги тоғлар, геологик изланишлар, туристик саёхатлар тўлкинида қолди ва мутахассис бўлмаган кизикувчилар томонидан, эхтимол, инсон кўли билан ясалган кўпгина нарсалар олиб кетилган бўлиши мумкин. Амир Темур горига охирги саёхатлардан бирининг таърифини берамиз.

Хисор тоғларининг жанубий-ғарбий тармоқларидаги изи ўрта аср меъморчилик кўрикхонаси қилишга арзийдиган тоғ қишлоғи Тошкўргондан Яккабоғ дарёсининг чап irmoғи билан жанубий-шарқий томонга юрамиз. Саккиз километрча юрилганда чуқурлиғи 400 метрга етувчи улкан дарага дуч келамиз. Дара томондан Каладарё дарёси ингичка ипдек бўлиб кўринар, сув сатхидан 200 метрча баландликдаги ўнг қирғоқда гор ичига кириш жойи жойлашган эди. Гор икки мустақил қисмдан иборат бўлиб биринчи қисми «отхона» деб аталар ва узунлиғи 109 метрдир. Горга қираверишда текисланган майдон бўлиб унинг узунлиғи 20 метр, эни 10 метрдир. Бу майдон дарё томонидан тош девор билан ўраб олинган. Сунъий равишда яратилган бу деворнинг баландлиғи 4-5 метрдир. «Отхона» залидан чиқаверишдаги иккинчи қиқиш жойидан горнинг асосий йўлагигача тош бўлақларини арча қарилари билан мустаҳкамлаб қинапоё ясалган ва ушбу қинапоё билан горнинг оғзига қадар кириб борилади. Айтишларича, горнинг қиравериш жойидан жанубий-шарқий қисмида илғари катта йўлак бўлган ва ҳозир тошлар тагида йўқолган.

Гор йўлагининг эни 5-10 метр, баландлиги 10-25 метргача боради. Шипдан ва пастдан хар хил конфигурациядаги сталактитлар ва сталагмитлар ўсиб чиккан. Улардан баъзиларининг шакли хар хил хайвонлар шаклига ёки минораларга ўхшаб кетади. Горнинг асосий йўлаги 450 метргача чўзилади. Унинг охирида катта кийинчиликлар билан жуда тор йўлакни кўришингиз мумкин. Ундан ўтганингиздан кейин янги улкан залга тушиб коласиз. Горнинг давоми шу жойдан бошланади. Бу жойдан учта йўлак чўзилиб кетиб улар бизгача кичик, кенг ва Гумбазли деб аталган заллар билан тугайди. Амир Темур гори энг охири узунлиги 70, эни 30-40, баландлиги 23-35 метр бўлган катта зал билан тугар, бу залнинг шипидан ва тагидан сталактит ва сталагмитлар ўсиб чиккан бўлиб, унинг ўнг тарафида узунлиги 3 м, эни 14 м, чуқурлиги 1,3 дан 2,5 метргача бўлган кристалл тоза сувли кўл жойлашган эди. Гор залларнинг умумий узунлиги 351 метрни, умумий майдони 6750 м²ни ташкил этарди.

Мирза Салимбек таърифлагандан кейин 85 йил ичида, кўрганимиздек, кираверишдаги дарвоза ўрни йўколади, мармар устунлар хакида гор ичида хеч кандай из колмаган. Гор ичидаги коваклар огзидаги тош панжаралар йўколган. Ушбу улкан коваклардан бирида Мирза Салимбек тахтнинг жойини кўрганини, гор ичида эса бўртма суратлар мавжудлигини, мармар устунлар борлигини ва ок-кўкимтир мармардан ясалган стол жойлашганлиги таърифланган эди. Буларнинг хаммасини гор ичида мўл бўлган сталактит ва сталагмитларнинг кўшилишидан хосил бўлиб, хар хил шаклга кириши натижасида Мирза Салимбекка шу холда кўринган бўлса у холда аник ёзилган кўл тегирмони табиат томонидан ясалиши мумкин эмас-ку?

Амир Темур горларини ўрганиш натижасида шу нарсага эътибор бердикки, уларнинг иккаласи хам бошка горлардан фарк килувчи кўринишга эга бўлиб, горлар олдин узун, йўлак шаклида бўлар, кейин йўлак тугаб, йўлакнинг иккинчи чикиш жойидан ташкарига чикилар ва бир оздан кейин горларнинг иккинчи асосий кисми бошланар эди. Бу нима, табиатнинг номаълум схема асосида яратилган ижодими, ёки инсон томонидан ўзгартирилган табиат махсулими?

ТЕМУР ДАРВОЗАСИДАН ТЕМИР ДАРВОЗАГАЧА

Ўзбекистон мамлакати майдонидаги энг гўзал ва бетакрор даралардан иккитаси, яъни Темур дарвозаси билан Темир дарвоза ўзларининг факатгина гўзаллиги, кулай географик ўрни натижасида тутган стратегик мавкеи натижасида таърифи асрлар ичига кириб кетган. Шимолдан келсангиз улардан биринчиси - Темур дарвозаси Жиззах вилояти, Жиззах ва Галлаорол туманлари чегарасида жойлашган, Сангзор дарёси кесиб ўтган жойда йўлнинг икки чеккасида, улкан икки қоя бош кўтариб турган жойда йўл улар орасидан ўтади. Темур дарвозасининг яна бир номи Жилон ўтти бўлиб, маҳаллий аҳоли кўпроқ шу номни қўллайди. Иккинчи машҳур дара Темир дарвоза ёки Бусгалахона номи билан машҳур бўлиб у Сурхондарё вилояти ҳудудида Дарбент қишлоғига яқин жойда жойлашган ва Хисор тоғлари орасидан ёриб ўтувчи гор ва чуқур дара шаклида жанубга чиқиб кетади. Бу иккала дара ҳам қадимий Ипак йўлининг устида жойлашган ва ўз атрофларидаги яқка-ягона ўтувчи жой бўлгани учун сайёҳлар хотирасида дарвоза номида сақланиб қолган. Бу иккала табиий дара дарвозалар қадимий Сўғдиёна давлатининг табиий шимолий ва жанубий чегаралари бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам қадимий Ўрта Осиё майдонида ўрта қадимий давлат бўлиб, шартли равишда биринчисини Усрушана давлати деб олсак, унинг чегараси қарбда Самарқанд олдиғача, шарқда Фарғона, шимолда Сирдарё бўлган. Иккинчи Сўғдиёна, деб олсак, Самарқанд (Мароканд) унинг пойтахти бўлган, демак Сўғдиёна ва Усрушана чегараси Самарқанд олди тоғлари бошланадиган жой ҳозирги Темур дарвозаси атрофларига тўғри келади. Учинчи қадимий давлат Бактрия деб олсак, у ҳозирги Сурхондарё, Тожикистон ва шимолий Афғонистон ҳудудларини қамраган, унинг Сўғдиёна билан чегараси ҳозирги Сурхондарё вилояти шарқий чегарасига, Темир дарвоза жойлашган жойга тўғри келган. Демак, Темур дарвозаси билан Темир дарвоза Сўғдиёна давлатининг қадимий икки томонида давлат чегараси сифатида хизмат қилган. Шу сабабли, бу икки дарвоза ҳақида тарихда кўп эслатилган. Темур дарвоза ҳақида биринчи хотираларни қадимги грек тарихчилари қолдиришган.

«Дарвоза»да рўй берган илк воқеа-ходисалар кадимги грек олимлари китобларида ўз ифодасини топган. Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга харбий юришларини олим Ариан таърифлаб шундай ёзган: «Александр Сўгд маркази Марокандга (Самаркандга) йўл олди. У ердан янада узокка – Танаид (Сирдарё) дарёсига келди. Бу ерда македонияликлардан баъзи бирлари ем-хашак учун таркалишди ва ёввойилар уларни чопиб ташлашди. Шундан сўнг ёввойилар қояли тик тоққа қочишди. Уларнинг сони ўттиз минг нафарга яқин эди. Александр уларга қарши бориб, бу тоғни эгаллади. Ўттиз минг ёввойидан мингга яқини омон қолди».

Хотирада жанг бўлган жой ҳақида бирон маълумот йўқ. Лекин Самаркандни Сирдарё билан боғловчи кадимги қарвон йўлини ўрганиш орқали Александр Македонский босиб ўтган «из»ни тахминан тиклаш мумкин. Маълумки, ҳозирги вақтда Самарканддан Сирдарё бўйига иккита йўл боради. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўша қарвон йўллари устига тушган ҳозирги автомобиль йўли қатнаш учун анча қулай бўлган. Демакки, тадбиркор йўлдан биринчиси Зарафшон дарёси бўйлаб Чумкартоғ ёнбағри ва Бахмал посёлкаси орқали ўтади. Йўл илон изи шаклида 2,300 метр баландликка кўтарилиб, яна худди шундай йўналишда Зомин посёлкасига туташади. Ўз-ўзидан маълумки, Александр Македонский кўп минг сонли лашкарлари ва девортешар оғир қуроллари билан бу йўлдан ўта олмаслиги табиийдир. Иккинчи йўл Чумкартоғ ва Ғубдинтоғ орасидан ўтади ва бир жойда Темур дарвозаси олдида қояга яқинлашади, демак, Ариан «қояли ва тик тоғни» эслаган экан, албатта Темур дарвозасини назарда тутган бўлиши керак. Чунки бутун йўл давомида бошқа бирон жойда тоғ қояларининг йўл чеккасига бунчалик яқин келиб қолганлигини учратмайсиз. Хўш, ўша пайтда Темур дарвозасида қандай воқеа содир бўлган?

Александр Македонский лашкарлари Ўрта Осиёга бостириб қирганлари (эрамизга 323 йилда)дан кейин Самаркандга етиб келишгунча қучли қаршилиқларга учрашмаган, шу сабабли Самарканддан Сирдарёга боришда лашкарлар бир мунча хушёрликни йўқотишган. Отларга ем-хашак йиғишга чиққан лашкарлар анча олдинга кетиб қолган. Бундан ташқари, узок вақт урушсиз йўл босилганлиги, Александрнинг «махаллий ёввойилар урушни билишмайди ва бизга қаршилиқ кўрсатишдан кўрқадилар»деган фикри

хам эхтиёткорликнинг сусайишига сабаб бўлгандир. Махаллий аҳоли ўз эхтиёжи учун йиккан ем-хашакни, албатта, чакарилмаган меҳмонларга шундайгина топшириб қўйишмаган. Тўкнашувда македониялик боскинчилардан бир канчаси чопиб ташланади. Шундан сўнг асосий лашкарлар келишини билган аҳоли душманни ўтказмаслик учун энг киска жой – Темур дарвозасининг икки тарафидаги тоғ чўккиларини эгаллаб олишади. Александр газаб билан жангга киришади. Лекин махаллий аҳоли усталик билан уларнинг хужумини бир неча бор қайтаради. Александр Македонский Ўрта Осиёга юришида биринчи марта ярадор бўлади. Аммо махаллий аҳоли Европа ва Осиёнинг кўп давлатларини босиб олган, жангларда чиниккан харбийларга узок қаршилик кўрсата олмас эди. Македонияликлар бир неча мағлубиятлардан сўнг нихоят тоғликни эгаллашган ҳамда қаршилик кўрсатганларни аёвсиз равишда кириб ташлашган. Темур дарвозасининг ахамияти шундаки, македонияликлар бу ерда қўрқок куллар эмас, Ватаннинг хакикий химоячилари қаршилигига дуч келишган.

«Дарвоза» тарихидаги кейинги саҳифаларни ўнг ва чап қиргоғидаги қоялардан ўқиб олиш мумкин. Бу ерда – темир йўл горга яқинлашган жойнинг тик ёнбағрида Россия империясининг темирдан ясалган икки бошли бургутли герби турган, унинг пастроғида эски рус ва араб алфавитларидаги ёзувлар мавжуд. Милодий 1425 йилда битилган араб алфавитидаги биринчи ёзувни ўқиймиз: «Оллохнинг ёрдами билан буюк султон, шохлар ва халқларни бўйсундирувчи оллохнинг ердаги сояси, худо қонунлари ва суннийликнинг суянчиги, диннинг қудратли шохи Улугбек-Гурган (оллох унинг шохлик ва ҳукмронлик даврини узайтирсин) жетлар ва мўғуллар юртига юриш қилди ва соғ-саломат қайтди, 928 – янги ой йили».

Жаҳонгир Темурнинг набираси Улугбек илм-фан намояндаси, улуг астроном ва математик сифатида катта шухрат қозонган. Албатта, унинг ҳукмронлиги даврида қонли урушлар ҳам бўлиб турган. Улугбекнинг буйруғи билан унинг муваффақияти қояга ўйиб ёзилган.

Милодий 1571 йилда битилган иккинчи ёзувда шундай дейилган:

«Сахродан ўтувчилар, қуруқлик ва сув устида саёҳат қилувчилар шуни кўрсинлар, 979 йилда халифаликнинг суянчиги, буюк оллохнинг сояси, буюк ҳокон Абдуллахон Искандархон ўглининг жанговар аҳолиси билан Дарвешхон ва Бобоҳонлар, бошқа ўғиллар қўшилган

лашкарлари билан жанг бўлди. Уларнинг каторида султоннинг кариндошларидан 50 мингга яқин киши ва хизматкор одамлардан 400 минг, Туркистондан, Тошкентдан, Фаргонадан ва Дашти кипчокдан бор эди. Бахтли юлдуз сохиби жангчилари голиб келди. Таърифланган султонларни енгиб, уларнинг жангчиларидан шунчасини ўлимга махкум қилдики, жангда ўлганлар ва асирликда ўлдирилганлар кони бир ой давомида Жиззах (Сангзор) дарёси устида окди. Бу маълум бўлсин».

Яна бир афсонали бу жой Буюк ипак йўлининг бир тармоғи эканини билиб оламиз. Ушбу дарвоза олдида кишлоқ жойлашган бўлиб унинг номи Бахмалдир. Кексаларнинг айтишларига кўра, кишлоқнинг асл номи Бахмал булок бўлиб, кўхна даврларда узок йўлдан келган савдогарлар ўз бахмалларини шу жойда сотишган. Ундан ҳам олдинги даврларда эса катта шаҳар ҳозирги кишлоқ ўрнида жойлашган бўлиб аҳоли ушбу шаҳар номини ҳам унутиб борган ва шу шаҳарнинг бозорида бахмалдан бошқа ҳам хилма-хил моллар сотиб олиш мумкин бўлган. Дарвоза ичидаги горда эса улкан аждаҳо мавжуд бўлиб у тез-тез чиқиб дарвозадан ўтаётган қарвонларни домига олган. Темур дарвозасидан ўтиш шу сабабли хавфли ҳисобланган ва дарвоза олдидаги кишлоқ ўрнида қарвонлар дарвозадан ўтиш олдидан аждаҳо учун жонлиқ сўйиб қурбонлиқ қилишган. Бу маълумотлар, яъни қарвон, кишлоқ ўрнидаги шаҳар, ундаги бозор ва сотиладиган бахмал-барчаси, Темур дарвозанинг бир вақтлар ипак йўлининг устида жойлашганидан дарак беради.

Сўғдиёна давлатининг жанубида жойлашган Темир дарвоза (Бусгалахона) дараси ҳам Сўғдиёна жанубидан келувчилар учун тоғлар орасига қирувчи йўл ва Сўғдиёнадан чиқиб кетувчилар учун ҳам Ҳиндистонга, умуман жанубга кетишда ягона ўтувчи йўл бўлиб хизмат қилган ва шу сабабли қадимги олимлар ва сайёҳлар қундаликларида кўп таърифланган.

Бу тарихий табиат обидаси ҳақидаги маълумотни биз милодга қадар ва унинг бошларида Ўрта Осиёдан жуда узокда яшаган ва ижод қилган машҳур олимлар асарларидан топамиз. Масалан, милодга қадар II-асрда яшаган ва ижод қилган юнон олими Птоломейнинг машҳур «География» деб номланган асарида Темир дарвоза ҳақида биринчи маълумотни топамиз. У шундай ёзганди: «Саклар ерида Комед тоғлари

деб аталган тизма тог бор бўлиб, унга Сњгдиёнадан то Комед дарасигача тушиб келишади». Ўша вақтда юнонлар Комед тоғи деб ҳозирги Хисор тоғларини аташларини билиб олган ҳолда, қадимги Сњгдиёнага тушиб келиш жойида, яъни Темир дарвоза жойлашганини биламиз ва уни ўша тарихий Птоломей таърифидаги Комед дараси деб қабул қиламиз. Шу асардаги «у жойда йўл шарқга Бактрияга боради. Бактриядан шимолга Комед тоғлари баландликларига чиқади ва шу тоғлар ичидаги дара орқали жанубга очик жойга чиқиб кетади», деган сўзлар Темир дарвоза ҳақида гапирилади. Ҳақиқатда ҳам Темир дарвоза қадимий Бактрия, яъни ҳозирги Сурхондарё вилояти, Тожикистон ва шимолий Афғонистон ўрнидаги давлат бўлиб у Сњгдиёна билан ва Сњгдиёнанинг жанубий чегарасида Темир дарвозадан жанубий-шарқда жойлашган. Милодга қадар ва милод бошларида яшаб ижод қилган бошқа юнон олими Страбон ҳам ўзининг «География» деб аталган асарида Бактриядан Ҳиндистонга боровчи йўналишдаги тоғ йўлини ҳақида гапирган. «Диомах гапи бўйича осийлик халқлар мўтадил кенгликлар чегарасидан чеккароқда яшашади. Демак, қим бунини таъкидлай оладики, қадимий ва ҳозирги даврдагилар билиб, Ҳиндистоннинг шимоли, Гиркания ва Осиё, кейин Маргиана ва Бактрия нам иклимининг мўтадиллигини ва тупрогининг ҳосилдорлигини билган ҳолда. Бу барча нлқалар Таврнинг шимолий қисми билан қўшни жойлашган, Бактриана эса Ҳиндларга олиб боровчи тоғ йўлига яқин келади».

Темир дарвоза мавқеининг қадимги оламда жуда машҳурлигини шундан ҳам билиш мумкинки, унинг тўғрисидаги маълумотларни ҳаттоки қадимги яҳудий асарларида ҳам топамиз. Милоднинг бошида яшаган яҳудий тарихчиси Иосиф Флавийнинг «Яҳудий қадимияти» асарида Темир дарвоза тўғрисида шундай сўзлар топамиз. «Аланлар қабиласи – бу скифлардир ва улар Танаид ва Мэотид қўли атрофларида яшашади. Улар босқинчилик мақсадида Мидияга ҳужум қилишдан Гиркания шохини, йўлак эгаси билан шартлашишган бўлиб йўлакни шох Александр Темир дарвоза билан ёпиб олган эди».

Тарихчи олим Л.Н.Гумилевнинг берган маълумотида қўра, VII асрлардаёқ туркий қабилалар Темир дарвоза ҳақида маълумотга эга бўлишган. Демак, шу вақтларда ва ундан олдинги даврларда ҳам бу дара Бактрияни Ҳитой билан боғловчи қарвон йўли бўлган. Бу дарадан VII

асрда хитойлик сайёх Саюнь-Цзан ўтган. Ўша вақтлардаги йилномаларда гўёки бу дарёнинг кора тошдан ташкил топган ёнбагирларида Темир дарвоза ўрнатилган ва унга кўнгироклар осиб қўйилган деб таърифланган. XIII асрлар Темир дарвоза орқали бошқа хитойлик сайёх, доаслик монах Чань-Чун ўтган. Ўрта асрлик сайёхлардан 1403-1406 йилларда Амир Темурнинг Самарканддаги касрига элчи бўлиб келиб турган испаниялик сайёх Рюи Гонзалес де Клавихо Темир дарвозанинг мукамал тасвирини колдирган. Бу таърифдан биз факатгина Темир дарвозанинг ўша вақтдаги географик тузилишинигина эмас, унинг сиёсий-маданий моҳиятини ҳам билиб оламиз. Рюи Гонзалес де Клавихо шундай деб ёзганди: «Бу тоғ жуда баланд бўлиб, унинг ўртасидан ўтадиган жой бўлиб, бу ўтадиган жой тоғни кесиб ўтган ёрик шаклида бўлиб, у гўёки инсон кўли билан килингандек, икки томонидан тик баланд тоғлар қўтарилар, ўтадиган жой эса текис ва жуда чуқур эди. Бу тоғ йўлаги ўртасида кишлоқ жойлашган бўлиб, унинг устида баланд қоя қўтариларди. Бу тоғдан ўтадиган жой Темир дарвоза деб аталиб, ундан бошқа бу тизма тоғдан ўтувчи йўл йўк ва шу сабабли Самарканд шохлигини химоя қиларди, кичик Хиндистондан Самарканд шохлигига бошқа йўл йўк ва Хиндистонга боровчи одамларга ҳам бу йўлакдан бошқа йўл йўк эди. Бу Темир дарвозанинг эгаси Темурбек бўлиб, у унга катта даромад келтирар, чунки бу дарвозадан кичик Хиндистондан Самарканд шохлигига ва ундан қуйроқда жойлашган жойларга боровчи савдогарлар ўтар эди. Темир дарвоза олдидаги тоғларда ўрмон йўк ва айтишларича, илгари бу жойда темир билан копланган дарвоза бўлиб ундан рухсатсиз ҳеч бир киши ўтолмаган экан».

Темир дарвоза ёки Бусголахонани рус олимларидан биринчи бўлиб И.В.Мушкетов бориб кўрган ва таърифлаган. Бу улкан табиий дара унда ҳам олдинги сайёхлардан кам таассурот колдирмаган. И.В.Мушкетов таърифича, даранинг эни кичик -25 метрлар атрофида бўлиб, баъзи бир жойлари ундан ҳам торроқ эди. Шу сабабли даранинг баланд ёнбагирлари тагида у ингичка ёриққа ўхшаб қоларди. Ҳозир Темир дарвоза ёнидан Тошкент-Термиз автомобил йўли ўтгани учун у аввалги стратегик аҳамиятини йўқотган ва табиатнинг гўзал тарихий географик манбаига айланган.

АМИР ТЕМУРНИНГ САМАРКАНД АТРОФИДА ТЎХТАГАН ЖОЙЛАРИ

Буюк Амир Темур даврида Самарканд атрофлари обод бўлиб, уларда янгидан-янги шаҳар ва кишлоклар пайдо бўлган, касрлар ва боғлар бунёд этилган эди. Ўша вақтда мавжуд бўлган шаҳар ва кишлокларнинг баъзи бирлари ҳозирга қадар ҳам сақланиб қолган, баъзи бирлари вақт ўтиши билан йўқолиб кетган ва фақат номи сақланиб қолган, баъзи бирларининг эса номи ҳам халқ хотирасидан қўтарилиб кетган. Бу шаҳар, кишлоклар тўғрисидаги маълумотларни биз ўша вақтлардаги кўлёзма манбалар ва китоблардан билиб оламиз. Масалан, Гиёсиддин Алининг «Темурнинг Хиндистонга юриши кундаликлари» китобида Амир Темурнинг Шахрисабздан Тахти Корача доғони орқали Самарканд шаҳрига етиб келиши шу тарзда тасвирланган:

«Сешанба, Шаъбон ойининг биринчи куни (8 апрель 1399 йил) Шонли Кеш шаҳри ҳазрат олийларининг келиши туфайли жаннатга айланди... Сешанба ўн бешинчи Шаъбон ойида (22 апрель 1399 йилда) Ҳазрат олийлари Кешдан чиқдилар ва Рўдак дарёси қирғоғида чодир тикдилар. Баландлиги қуёш ва ойга қадар бўлган давлат хазинаси ўн олтинчи сана чоршанба, ҳеч ким томонидан эгалланмаган Чохор Работ деган жойда тўхтадилар. Ўн еттинчи сана, пайшанба куни Ҳазрат олийлари ўша ердаги доғдан ошиб тушиб Қутлуг юрт деган жойда тўхташга изн билдирдилар. Жума куни у киши у жойдан Тахти Корачага келдилар, шанба ўн тўққизинчи сана Шаъбон ойида, шаҳар ташқарисидаги боғ каср Жахоннамо олам тоғидаги улкан олмос ёруғидан дунё кўрсатғичига айланди. Шанба йигирманчи санасида Давлатободдаги боғда тўхтадилар ва у жой жаҳон Султонининг ёруғ чехраси пайдо бўлиши туфайли ўз номини оқлади. Якшанба йигирма биринчи Шонли сана кун ярошда ҳазрат олийлари шўх кайфият билан шаҳар чеккасидаги каср – боғи Дилқушога қадам қўйишга изн бердилар. Шаъбон ойининг йигирма иккинчисида осмон каби улугвор давлат байроғи пойтахт шаҳар Самаркандга етиб келдилар».

Гиёсиддин Алининг XV асрда ёзилган ушбу «Кундалик»идаги, Шахрисабз-Самарканд ўртасидаги кўпчилик тарихий номларни излаб топиш учун таърифланган Кеш-Шахрисабз шаҳридаги тарихий йўлдан

саёхатга чиқамиз. Йўлимиз кўм-кўк боғлар ўртасидан ўтади ва Қашқадарё дарёсининг ўтлар билан қопланган текис қирғоғига чиқади. Демак, тарихий Рўдак ҳозирги Қашқадарё дарёсига тўғри келар экан. Дарё қирғоғида дам олиб биз ҳам йўлига чиқамиз. Йўлимиз Қитоб шаҳридан Жайрали, Совукбулок қишлоқларидан ўтади ва Тахти Қорача доволонинг ҳозирги ва эски йўллари билинадиган жой, гўзал Мингчинор боғи ва ресторани ёнидан ўтиб ўннга-кўхна доволон йўлига буриламиз. Бу кўхна йўл билан бир неча километр юрганганимиздан кейин йўл икки қисмга бўлинади. Бу кўхна йўллардан ўнғ тарафдагиси, ҳозир ташландик ҳолга тушиб қолгани билан юрамиз, бу йўл Равотнинг чап қирғоғи билан боради ва бир километрча юргандан кейин сойнинг ўнғ қирғоғида текис майдончада қурилиш излари ва тўртбурчак шаклидаги қадимий гишт қолдиқларини топамиз. Демак, Чохор Работ деб номланган жой Работсой бўйидаги майдончада жойлашган бўлиши керак.

Гиёсиддин Алининг «ҳеч қим томонидан эгалланмаган Чохор Работ деган жойда тўхтадилар», жумласи бўйича фикрласак, бу жойни ўша вақтда ҳам вайрона ҳолида бўлган ва эҳтимол, олдинроқ мўғил босқини вақтида вайронага айлантирилиб, кейинроқ қайта тикланган бўлиши мумкин, деган фикрга келамиз.

«Ўн еттинчи сана пайшанба куни Ҳазрат олийлари ўша ердаги доволондан ошиб тушиб Қутлуг юрт деган жойда тўхташга изн билдирдилар». Равотсой чап қирғоғидан эски йўл билан 1675 метр баландликдаги доволонга кўтариламиз. Бу машҳур Тахти Қорача доволони бўлиб у ҳозирги Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларини ажратиб турувчи сув айирғичидир. Бу доволондан кейин йўл Зарафшон водийси томон туша бошлайди ва асосан йўлисой чеккасидан кетади. Худди шу йўл бошланиш жойида доволон олдида қенггина майдон бўлиб, бу майдонда ўрта аср қарвонсаройи қолдиқлари топилган. Ёдга олинган Қутлуг юрт деган жой шу ер деб тан олган ҳолда, «Жума куни у киши у жойдан Тахти Қорачага келдилар», деган асосида Жаҳонгирнинг навбатдаги тўхтаган жойи қаерда бўлиши мумкин? Биринчидан, Қорача нима? Ҳозирги географик хариталарда ушбу доволоннинг номи Тахта Қорача деб аталади. Лекин ҳар ҳолда «Тахта», сўзининг маъносини доволонга тўғри келмаслигини эътиборга олиб, унинг «Тахти», ёки «Тахт» сўзига тўғри келишига эътибор берсак, у жойни «Тахт Қорача»

номининг кейинрок номи ўзгариб «Тахта Корача» холига келган бўлиши мумкин, деб фараз қилишимиз мумкин. Яна «хазрат олийлари ўша ердаги довондан ошиб тушиб Кутлуг юрт деган жойда тўхташга изн билдирдилар», сўзидан биз хозир Тахти Корача деб атаётган довоннинг ўша вақтда бошқача ном билан аталганини тушунамиз. Хақиқатда ҳам «Бобурнома» китобида ушбу довоннинг номи бошқача аталган.

«Самарканд билан Кеш орасида бир тоғ тушубтур. Итмак добони дерлар, Сангтарошлик килур, тошларни тамом бу тоғдан элтурлар».

Ундан олдинги даврларда эса Кешдан (Шахрисабз) Самаркандга ўтувчи бу довон хақида араб, форс-тожик сайёхлари эса IX-XII асрларда бу довонни «ўша ердаги довон деб таърифлаганлар». Араблар даврида VIII асрдан бошлаб эса ушбу довон тўғридан-тўғри «Кеш» довони деб аталган. Чунки Кеш ёки Нахшаб (Карши) оркали Самаркандга ўтадиган довон шу бўлган. Тарихий маълумотларга кўра, VIII асрнинг биринчи ярмида арабларга карши турк ва сўғд баходирлари ўртасидаги дахшатли жанг шу довон олдида бўлиб ўтган. Ундан олдинги милодга қадар Искандар Зулкарнайн ва ахмонийлар даврида эҳтимол бу довон «сўғд» довони деб аталган бўлиши мумкин. Чунки довондан кейин сўғд эли ва унинг пойтахти Самарканд жойлашган.

Демак, Тахти Корача деб аталаётган довонимизнинг номи тез-тез ўзгариб турган ва Амир Темур даврида у номсиз бўлган. Кейинрок эса жаҳонгир тўхтаган Тахти Корача номи жой номи довонга ўтиб, асли Тахти Корача эса номини йўқотган ва авлодлар хотирасидан ўчиб кетган. Бинобарин Тахти Корачани Амир Темур тўхтаб ўтган жой сифатида Самарканд яқинида, тоғ устида у киши дам оладиган ёзлик бог қаср деган олимлар бор. У ҳолда бу номнинг бог-қасрдан довонга ўтиши Захриддин Бобурдан кейинрок бўлиб ўтган бўлиши эҳтимол. Чунки «Бобурнома»да «Итмак добони дерлар», деб довон номи аниқ ёзилган.

Асли Тахти Корача номи қандай келиб чиққан. Тахти сўзининг «Тахт», сўзига монандлиги кўриниб турибди. «Тахт» сўзи эса Туркистон топонимикасида тез-тез учраб туради. Киргизистондаги Ёш шаҳрида «Тахти Сулаймон» ош хонаси мавжуд бўлиб, шу ном билан чўккили тоғ аталади. Мағиана «Тахти Довуд», Ургутда «Тахти Искандар» мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси баландликда тахт эгаллаши

керак бўлган улугвор кўркам жойларда ырнашган. Демак, Тахти Корача ҳам баландликда жойлашгани учун шу ном билан аталган бўлиши керак. Сўзнинг иккинчи кисми Корача тўғрисида фикр юритсак, баъзи бир маълумотларга кўра XIV аср охирида Амир Темурнинг аёл кариндошларидан бири Омонкўтонда гўзал шаҳар чеккаси касри кўриниб, у гўзал «Корача», номи билан аталган бўлиши мумкин. Балки унинг бирламчи номи «Боги Корача», деб аталиб кейинрок курилган жойнинг баландлиги эътиборга олинган холда «Тахти Корача»га айланган бўлиши мумкин. Ёки бўлмаса «Корача» сўзининг мазмунида «кора арча» сўзи ётган бўлиб унинг келиб чиқиши каср атрофида кўп ўсувчи арча дарахтига монанд бўлиши ҳам мумкин.

Сўзнинг яна бир мазмуни «коравлча» ёки «кўрикчи»га ҳам бориб такалиши мумкин. Чунки бу каср жойлашган доволон коравул вазифасини бажариб, Сугдиёнадан чикиб кетаётган хар бир карвон бу жойдан ўтган. У кадимий ва ўрта даврларда Сўгдиёна хаётида муҳим рол ўйнаган. Мамлакат ўртасида жойлашиб у шимолий-шаркий чегаралар (хозирги Жиззах олдидаги Жилон ўтти дарвозаси) ва жанубий чегаралар Дарбент олдидаги «Темир дарвоза»га, бир хил масофада бўлган. Сўгд элидаги янгиликлар бу жойга карвонлар ёрдамида етиб келиб савдогарлар шу жойдан ызаро ахборот алмашинган ва ушбу маълумотлар жанубга Бактрия-Тохаристонга доволон оркали таркалган ва бошка жойлардан маълумот йигилган. Шу сабабли бу доволон эгаси бўлган ҳокимлар бутун оламдаги янгиликлардан хабардор бўлишган ва Турон элидаги воқеаларни тартибга солиб туришган.

Кейинги асрларда эса доволон Кеш, Карши ва Самарканд бекликлари ўртасида чегара вазифасини бажарган. Масалан, 1868 йилда Туркистон колонизация килинган вақтда Тахти Корача доволонида чегара кисмлари ва божхона жойлашган эди. Омонкўтон оксоколлари хотирасида бу ердаги шаркий Бухородан Самаркандга ўтадиган контрабандистларни кон какшатган Авкон тўғрисида маълумотлар бор. Шу вақтда кўшни Охаликсой устида худди шунга ўхшаган застава Афгон доволонига ўрнатилиб, у Кашкадарёнинг Тарагайидан Самаркандга ўтувчи катта йўлни назорат ётган.

Демак, юкоридаги маълумотлар асосида «корача» сўзининг харбий ахамиятга эга бўлган «коравулча», «кўрикчи» сўзларига алоқаси

бўлиши мумкинлигини ёки «корачилик», «халк лашкари» сўзига ҳам бир мунча алоқадорлигини биламиз.

Балки «карача» сўзи бир вақтлар доvon олдида бўлиши эҳтимол килинган «Карокчи» сўзига ҳам алоқаси бўлиши мумкиндир. Самарканд вилоятида Карокчитог массиви ёки Хўжанд олдидаги Карокчикум сахроси ҳам қачонлардир бу ерда эҳтимол килинган «карокчи»лардан қолган ном бўлиши ҳақида тахминлар мавжуд.

Гохида эса каср ва довоннинг номи, эхтимол, Амир Темурнинг Корагар исмли тогасига боғланган бўлиши мумкин, бу бек ёзнинг саратонида ўрмонли довон олдида дам олишни маъкул кўрган, деган фикр ҳам келади.

«Корача» сўзи туркий «Кора жой» сўзига ҳам монанддир. Нима учун бу ном берилган бўлиши мумкин? Хар холда гўзал жой бу номга лойик эмас-ку. Бундай холда каср олдидаги довоннинг мавжудлиги ва унга чикиш учун канча куч ва вақт кетишини хисобга олсак, у холда «корача» сўзи «кора жой» сўзининг ўзгарган шакли эканига шубҳа этмаймиз. Чунки хар кандай табиий тўсик у кандай холда эканидан катъий назар (довон, чукур, тезкор дарё, сахро) сайёҳларда ҳеч қачон ўша жойга меҳр пайдо қилиб, гўзал ном берилишига олиб келмаган.

Ўша вақтдаги қарвонларнинг кўп сонли туялари билан довлоннинг илони э йўлидан кўтарилиши жуда оғир бўлганлиги сабабли «қора жой» деб аталганини табиий деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун ўша вақтлардаёқ кўп сонли қарвонлар Қешдан Самарқандга Чирокчи ёки Жом орқали ҳам ўтишган.

Учинчидан, киш ва баҳор фаслларида кор ва ёмгир туфайли ҳамда табиий офатлар-бўрон, кор кўчкилари, муз босиш, сурилма, кўчки, селлар туфайли доvon кўпинча ёпик бўлган ва ўзига кўйилган «кора жой» номини оклаган бўлиши керак.

Довондан Ровотсой оркали тик йўлдан тушиш йилнинг ҳамма фаслларида ҳам хавфли бўлган. Шу сабабли энг кўхна замонлардан бошлаб тогдан эсон-омон тушиб олиш учун довоннинг энг юкори кисмида садака килишган, ўша жойдаги гранит коя тагига чакалар, олиб келаётган махсулотлардан озрок кисмларини кўйиб кетишган. Кейинрок, IX-X асрларда эса довон устидаги бу тош Хазрати Али номи билан боғланиб, «мукаддас жой» сифатида талкин этила бошланади.

Халк ўртасида ўша жой билан боглик афсона бор. Эҳтимол у узок ерлардан келаётган Ҳазрат Али довон устида девлар хужумига учрайди. У киши ўзларининг машхур Зулфикор киличини кинидан чиқарадилар ва килич ялтирашидан девлар кочиб, коронгуликка яшириниб оладилар. Килични бир силтаб Ҳазрат Али йўлни тўсиб турган катта қояни иккига бўладилар. Парчаланган қоя орасидан ўтган Ҳазрат Али унинг орқасида яшириниб турган девларни кўради ва у кишига кўзлари тушган девлар шу захотиёк тошларга айланиб қоладилар. Нураш натижасида пайдо бўлган хилма-хил шаклли бундай тошларни ҳозир ҳам довон устида учратиш мумкин.

Ҳазрат Али шу ерда номозларини ўқиб бўлиб йўлларида давом этадилар ва у киши намоз ўқиган тош қоя устида кўллари, тиззалари ва пешоналарининг излари қолади. Шу вақтдан бу жойнинг яна бир номи Тошкесган Ҳазрат Али деб аталади.

Амир Темурнинг дам олган қасрлари Тахти Қорача номининг пайдо бўлиши ва унинг кейинчалик довон номига айланиши тўғрисидаги фикрларимизни тўхтатиб туриб, Жаҳонгир йўлларининг қолган қисмларини кўриб ўтамиз.

«Шанба ўн тўққизинчи санада Шаъбон ойида шаҳар ташқарисидаги бог ва қаср Жаҳоннамо олам тожидаги улкан олмос ёругидан дунё кўрсаткичига айланди». Демак, Амир Темур ҳазратлари Тахти Қорача қасридан чиқиб ҳозирги Омонкўтонсой бўйлаб пастга қараб юрганлар. Ўрта, Кизилбош қишлоқларидан ўтиб, унга қўшилган обод Қоратепа қишлоғига қирамиз. Қоратепа қишлоғини тарихан Жаҳоннамо боғи билан боғлайдилар ва бу тўғрида халқ ўртасида афсоналар кўп.

Соҳибқурун навбатдаги «Шанба йигирманчи санада Давлатобод олдидаги богда тўхтадилар ва у жой жаҳон султонининг ёруг чехраси пайдо бўлиши туфайли ўз номини оқлади». Яъни Амир Темур ҳазратлари ҳозирги Самарқанд шаҳри чекқасидаги Даргом каналини қесиб ўтганда чап кўлда кўриниб турадиган шу номли улкан тепанинг ўрнида жойлашган богда дам олганлар. Навбатдаги ҳазратлари тўхтаган жойлари Боғи Дилқушо эса ҳозир Самарқанд шаҳридан 6 километр масофада жойлашган Чумчуқли қишлоғи ўрнида бўлган. Шаъбон ойининг йигирма иккинчисида Амир Темур ҳозирги Кўк Сарой меҳмонхонаси ўрнида бўлган Кўк Сарой саройига кириб келган.

АМИР ТЕМУР ВА АЛЕКСАНДР МАКЕДОНСКИЙ ЙЎЛЛАРИ КЕСИШГАНМИ?

Амир Темура ва Александр Македонский таржимаи ҳолларида бир мунча ўхшашлик ва фарқ килувчи ҳолатлар мавжуд. Уларнинг иккаласи ҳам жаҳонга ҳукмдорлик қилган жаҳонгирлардир. Фақат бири гарбдан, узок Македониядан бошлаб, Ўрта Осиё орқали Хиндистонгача борган бўлса, иккинчиси шарқда Шахрисабздан бошлаб гарбда Кавказ орқали Босфор ва Дарданел бугозларигача етиб борган. Улардан биринчиси Александр Македонский жаҳонни эгаллашни ёшлик вақтидан бошлаган ва барча босиб олган жойларида вайроналар ёки ўз номи билан Александрия деб атаган кичик шаҳарлар қолдириб, доимо олдинга интилиб ўз она юрти Македонияни ёдидан чиқарган, унинг учун ҳеч нарса қилмаган ва хорижда вафот этиб, жасади ҳам шу жойларда йўқолиб кетган ҳамда авлодлари уни ҳозирга қадар ҳам топа олмаган.

Амир Темура бўлса ёшлик чоғларини она юрти-Туронни бирлаштиришга бағишлади, ёши улуг вақтида чет элларни Ватанига қўшиб олишни бошлади. Хар бир харбий юришдан кейин у киши она юртлари - Туронга қайтар ва қелиши билан юртда ўзгаришлар бўлар, юксак бинолар қўкка қад қўтарар эди. Амир Темура ҳукмронлик йилларида Турон қудратли, унинг пойтахти Самарқанд эса «ер юзи жаннати» номини олди. Жаҳонгир Амир Темура ханузгача Самарқанд марказида мангу уйқуда ётибди ва у кишининг ижоди маҳсули бўлмиш «Жаннатмакон юрт» Самарқанднинг қўкка бўй чўзган мағрур бинолари, сохибқирон уйқусини қўриқлаган лашкарлари сингари суқунатга чўмган ҳолда тик турибдилар.

Икки жаҳонгир оламга ҳукмронлик қилган йиллар ўртасида 17 аср вақт ўтган бўлса ҳам, ўлкамизда уларнинг қадами тегиб фаолиятининг изи учрайдиган жойлар, яъни асрлар оша уларнинг йўллари қесишган жойлар учрармикан? Бундай жой сифатида биз Самарқанд шаҳрини тилга олмаймиз. Чунки биламизки, икки жаҳонгир ҳам бу шаҳарда бўлишган ва Александр Македонский «фаолияти натижасида» Самарқанд Марокандга (Мар – ўлик, канд – шаҳар, қадимги сак тилида) айланди. Амир Темура меҳнати натижасида эса Самарқанд бутун олам бўйлаб «Ер чехраси ва ундаги ёруғ нуқтага» айланган. Биз Амир Темура ва Александр Македонский тарихчиларининг таърифи бўйича уларнинг

кадами етиши мумкин бўлган Зарафшон водийсидаги бошка нукталарни ахтарамиз.

Зарафшон тизмаси устидаги Тахти Карача довони ва hozирги Омонкўтон кишлоғи оркали Амир Темур ўзининг зафарли юришидан кайтиб келарди. Бу тўғрида Гиёсиддин Алининг «Темурнинг Хиндистонга юриши кундаликлари» китобида таърифланган. Амир Темурнинг Шахрисабздан Тахти Корача довони оркали Самарканд шаҳрига етиб келиши тасвирланган нукталаридан бири Жахоннамо каср боғи ўрни hozир бирлашиб кетган Кизилбош ва Коратепа кишлоклари ўрнига тўғри келади. Бу жойда Амир Темур вақтида шаҳардан ташкаридаги улкан боғ-каср-Жахоннамо қурилган эди. Жахоннамо касри ўрнида hozирги вақтда боғ жойлашган Кизилбош кишлоғига эса hozирга қадар маҳаллий аҳоли кофир Кизилбош сўзини қўшиб ишлатади ва изоҳлашларича, бу кишлоқнинг аҳолиси тарихан кофир бўлиб асосий қисми сочи кизгиш бўлгани учун Кизилбош деб номланган. Бу афсонани эшитар экансиз, эҳтимол бу жойда икки жаҳонгирнинг йўллари асрлар оша учрашмадимикан, деган фикрга келасиз. Искандар Зулқарнайн юришларини ёзган тарихчилардан бири Квинт Курций Руф қолдирган ушбу сатрларга диққат қиламиз. «Улар бир кичик шаҳарчага келишди ва унинг аҳолиси бранхидлар эди. Улар қачонлардир Ксеркс буйруғи билан у Грециядан келаётган вақтда Милетдан ўша жойдаги муқаддас макбарани оёкости қилганлари учун бу жойга жойлаштирилган эди. Улар авлодлари одатлари билан яшашар, лекин икки тилда гапиришиб она тилларини бир мунча бузиб гапиришади. Улар шохни хурсандчилик билан кутиб олиб шаҳарни унга топширдилар. У ўз лашкарлари ичидаги милетликларни йигиб ва уларнинг бранхилар авлодига эски жиноятлари учун нафратини билгани холда, тақдирини хал қилишни топширди. Фикрлар ҳар хил бўлгани учун, буни ўзи хал қилди, у шаҳар дарвозасидан қирди ҳамда уни сотқинлар уйи сифатида бузиб ташлашни ва аҳолини охиригача ўлдиришни буюрди. Тилнинг бирлиги ҳам, раҳм шафқат сўраб қилинган илтижолар ҳам унинг қўнғлини юмшатмади. Шаҳар асосига қадар вайрон қилинди.... Шундай қилиб авлодлар ўз аجدодларининг гуноҳи учун жазоланди, уларнинг ўзи Милетни ҳеч қачон қўрмаган бўлиб, Ксерксга ҳам ҳонлик қилишмаган эди. Искандар Зулқарнайн ўзидан бир неча авлод олдин қилиб, шу жойда яшаб қолган аждодларнинг айби

учун хамюртларини катл эттирган ушбу шахар хозирги Кизилбош кишлоги бўлиб чиқади.

Демак, Жахонгир Александр Македонский ўз хамюртларини киличдан ўтказиб вайронага айлантирган Бранхилар шаҳарчаси жойлашган жойда, Амир Темур 17 аср кейин келиб гўзал бог-каср-Жахоннамони яратган жой Кизилбош – Коратепа кишлоги бўлиб чиқади ва икки жахонгирнинг йўллари асрлар оша ушбу жойда кесишган экан.

АМИР ТЕМУРНИНГ ТАХТИ КОРАЧА БОГИ КАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?

Гиёсиддин Алининг таърифлашича, Хазрати Амир Темур Хиндистондан Самаркандга қайтиб келишида хозирги Шахрисабз шаҳридан чиқиб Равотсойдан ўтган ва довондан ошиб тушиб Тахти Корача деб номланган жойда бир кеча тунаб қолган. Демак, Амир Темур тунаб қолган Тахти Корача бу довон эмас, довондан кейинги географик нуқта бўлиб, у махсус дам олиш учун мўлжалланган шаҳар ташқарисидаги каср бўлиши керак. Гиёсиддин Али томонидан тилга олинган ушбу каср қайси жойда? Бу тўғрида мутахассислар фикри турлича бўлиб, баъзи бировлари уни Омонкўтан кишлоги марказидаги булок олдида, бошқалар Шохасой бошланадиган жойдаги Кизилтурук кишлоги ўрнида, бошқалар эса умуман Омонкўтондан пастрок жойда кўрадилар. Лекин ҳар ҳолда у хозирги Омонкўтан ўрнидаги ўрмонли жойда бўлиши керак. Буни XV асрда яшаган Ибн Арабшоҳнинг «каср олдидаги богдан, козиқдан бўшаб кетган отни ярим йил изладилар», деган ярим ҳазил маълумоти ҳам тасдиқлайди. Лекин Тахти Корача касри ўрни қайси жойда, деган саволга ҳали ҳам жавоб бера олганимиз йўқ. Чунки ўша даврдаги тарихий маълумотларда бу каср жойлашган жой тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Ўша вақтда Амир Темур ёнига келган сайёҳлар хотираларида ҳам бу жой тилга олинмайди. Омонкўтоннинг аҳолиси ўртасида ҳам каср тўғрисида афсоналар учрамайди. Ҳар ҳолда бу сеҳрли каср қайси жойда бўлган, ёки жахонгир Амир Темур 1399 йилнинг 25 дан 26 апрелга ўтар кечаси қаерда дам олган?

Кейинги йилларда Омонкўтон атрофида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, Самарканддан бораверишда Омонкўтон

олдида чап кўлда эски каровултепа излари топилган бўлиб, ундаги сопол колдиклари Амир Темур даврида ясалганидан далолат беради. Бундан ташкари Йўлсойдан то Равотсойгача чўзилган 12 км масофада Ипак йўлининг бир тармоги «Шох йўли» колдиклари топилган. Бу йўл Омонкўтонда 1882 йилдан бошлаб ўрмонзорлар ташкил экиш, сел, кнчишлар натижасида бузилиб кетган бўлсада, унинг атрофида каср жойлашиши мумкин бўлган майдончалар учраб, улардаги казиш ишлари Тахти Корача касри пойдеворини топиш имконини бериши мумкин. Биз hozirча Тахти Корача касрини топа олмаган бўлсак ҳам, Амир Темур даврида курилган бошка касрлар тузилишини ўрганиб, Тахти Корача касрининг тузилиши хакида фикр юрита оламиз. Авваламбор, у тоғ ўрмонлари ичида инсон кўли ва акл-заковати билан яратилган бино ва богзор курилишидан хосил бўлган гўзаклар меъморчилиги намунаси бўлган. Амир Темурнинг курилиш соҳасида нозик дид эгасиэканлигини эътиборга олиб, жанубга кетадиган йўл ёкасида, шаҳар ташкарисида ўзи дам олишга мўлжалланган касрини албатта маҳорат билан курганини эътироф этишимиз керак. Бунинг устига ўша вақтда яратилган ҳар бир богнинг лойиҳасини яратишга Амир Темурнинг жуда жиддий қараганини англаш учун унинг сўзларини эслаш кифоядир: «Мен сарой меъморлари ва курувчиларни келтиришга амр этдим. Улар биргаликда бог йўлаклари ва хиёбонларининг режасини чизишди, бог яратиш ва унинг ўртасида курилишига мен амр этган баланд каср деворларининг режасини туздилар».

Амир Темур ва темурийлар даврида меъмор ҳурматли киши бўлган. Унинг кўл остида ҳар хил мутахассислар бўлиб, айникса, муҳандис, мўйкалам устаси, ёғоч йўнувчи уста, ганчкор, сангтарош, хаттотлар унинг амрини бажаришган. Уларнинг ҳар бири ўз ишининг моҳир устаси бўлиб вазифаларини сидқидилдан уддалашган. Бу даврда Самаркандда номлари мусулмон оламига ёйилган меъморлар - Шаҳобиддин Аҳмад Зардакаши, Фаҳри Али Самаркандий, Бареддин Самаркандий, Шамсуддин Бухорийлар яшаб ижод қилишган. Уларнинг ижодлари туфайли шаҳар ичидаги барча нодир бог-касрлар ва шу жумладан, Тахти Корача ҳам яратилган. Бу бог – каср ўша вақтда яратилган Боғишамол, Боғибаланд, Боғимайдон каби бог – касрларнинг тоғ намунаси бўлиб, гўзалликда улардан қолишмаган ва тоғ манзарасининг ўзига хошлиги билан уйғунлашиб, алоҳида пурвикорлик касб этган.

Бог-каср атрофи ўраб олинган бўлиб, бир ёки икки дарвоза оркали кирилган. Бокка мевали дарахтлар (олма, ўрик, ёнгок), манзарали дарахтлар (тол, чинор, кора арча), хар хил бутали ўсимликлар (дўлана, наъматак) экилган. Йўллар чеккасида хилма-хил йирик ёркин гуллар бўй таратган. Богнинг сув таъминоти масаласи тоғ ёнбагридаги булоклар ҳисобига ҳал этилган. Бог ичида фавворалар, сув хавзалари, нодир баликлари сўзиб юрган ховузлар ва тармокланган ариқлар бўлган. Нодир ҳайвонлар ва кушлар богнинг ажралмас қисми ҳисобланган, йўлакларда товуслар ва қирговулар сайр этишган, чеккароқдаги ажратилган жойларда қаллиқлар, тўтиқушлар, овчи кушлардан – бургутлар, ҳайвонлардан эса қийик, тоғ эчкилари, айик ва қоплонлар сақланган. Бог марказида енгил ёзлик айвонлар ва гулдор эшиқлар ўрнатилган қишлоқ хоналар жойлашган. Биноларга нақш бериш учун маҳаллий қурилиш материаллари, ганч, мрамор ишлатилган. Хона деразалари эса рангдор шиша ва ойналар билан безатилиб, деворлар ганчқор қилиб ишлатилган.

Тахти Қорача қасрида Амир Темур қўп бўлмаган ва қалат тугилган юрти Шахрисабзга қетаётганда тўхтаб ўтган, деган фикрга қелиш мумкин. Шу сабабли қаср бошқа вақтларда йўлдан ўтаётган давлат арбоблари ёки қопарлар қўнадиган меҳмонхона ҳизмати ҳама бажарган бўлиши мумкин. Эҳтимол, унда савдогарлар тўхташ жойи-қарвонсарой ва қалта хонаси (ям) ҳама жойлашгандир.

Марҳум табиатшунос олим В.Кучерявих фикрича, Тахти Қорача қасри табиати гўзал ва айни бир вақтда асосий йўлдан унча узок бўлмаган жойда қурилган бўлиши қерак. Унинг жойлашган ўрни ўрмон билан ўралган бўлиб, қурилишга ва инсонлар ҳаётига ҳавф қолувчи қел, қнъчки қабитабиий офатлардан қоли, ичимлик сувига бой, қишқи қучли шамоллардан қана, ёмқир ва қор сувлари тўпланмайдиган қулай рельефга эга бўлган жой бўлиши қерак.

Амир Темур қурган барча иншоотлар қабитахти Қорача қасри ҳама асрларга мўлжаллаб бунёд этилган. Лекин унинг вафотидан қейин у яратган империя қабитақурган қасрлари ҳама қаровсиз қолиб аста-секин вайронага айлана бошлади. Атроф қишлоқдаги ақоли вайрона қасрларнинг қурилиш материалларини ташиб қетиша бошлайди. Шу йўллар билан мухташам гипокнъ безақлар, мрамор тахталар, пишик гиштлар атрофдаги қулбаларга қўчиб ўтиб пойдеворларга айланади. Шу йнъл билан Самарқанд атрофида Темур даврида яратилган қнъпчилиқ қасрлар, шу жумладан, Тахти Қорача ҳама йўқолади. Қалат авлодлар

хотираларидагина шу жой номлари Амир Темур давридаги курилишларни эслатиб туради.

Ўтган 600 йил давомида Зарафшон водийсида катта ғзғаришлар рғғй берди. Урбанизация жарағғни натижасида шаҳардан узокдаги кғпплаб обидалар аста секин йғғколиб, шаҳарга кғшилиб кетди. Шу сабабли изи йғғколган тарихий объектларни кидириш йилдан-йилга кийинлашиб, кғпп йиллик изланиш, меҳнат талаб киладиган бўлди.

Хар холда биз тарихий Тахти Корача касри топилишига ишонамиз. Бунинг учун Омонкўтон атрофи тўғрисида шу вақтга қадар йигилган тарихий-географик мағғлумотларни таҳлил этишга тўғри келади. Омонкўтонсойни тўлик ўрганиш натижасида йғғл атрофидаги Афлатунсой ва Шаҳаксойлар Тахти Корача касри жойлашиши мумкин бўлган жойи сифатида инкор этилди. Чунки бу ерларда каср жойлашиши мумкин бўлган кенг майдонлар деярли кўринмайди, унинг устига сойларда тез-тез бўлиб турадиган сел тошкинлари қурилган хар бир бинога хавф солиб туради. Қонсай атрофидаги қадимий қон изларига қараб бу жойда каср қурилиши мумкинлигини инкор этамиз. Ҳозирги Омонкўтон қишлоғининг ўрни ҳам йғғлга тўғридан-тўғри тегиб тургани учун каср қуриш учун ноқулай бўлган.

Қаср жойлашиши мумкин бўлган жойлар Омонкўтонсойдан то Тахти Корача довоғига қадар учтадир. Биринчиси, Майдонсой ва Жийдасой учрашган жойдаги «Дуоба» майдони, унда масқан кенггина майдон бғғлиб, ушбу майдоннинг охиридан бошланувчи ёнбағирлар ётиклиги туфайли майдонни кенгайтириш имқонияти мағғжуддир. Майдонларнинг кенглиги 600-800 метрга қадар етиб, бу ердаги сувли қарст булоқлари майдонни сув билан тўлик тағминлаши мумкин. Қаср жойлашиши мумкин бўлган иккинчи майдон Булбулзорсой ўрта қисми бўлиб, унда ҳозир ўқувчилар ёзлик лагери жойлашган. Бу масқан анчагина кенг, унда сувли булоқлар ва суви қуримайдиган сой мағғжуд ва атрофидаги ёнбағирлар ўрмон билан қопланган. Сой соҳили ёз ойлари тоғдан ёсувчи шамоллар билан салқинлашади, қиш қунлари ёса тўғри тушадиган қуёш нурларида илийди. Учинчи жой -Йўлсойнинг юқори қисми ҳисобланади ва у жойда кексалар хотирлашича, кейинги 150 йил ичида доимо йирик қурилишлар, қарвонсарой, қойхона, ошхона, девон олди омборхона мағғжуд бўлган. Ҳозир ёса Йўлсойнинг бу қисмида икки йирик дам олиш уйлари мағғжуддир. Йўлсой Омонкўтоннинг асосий қисмидир, у ерда ёқилган кўчатлар тез кўқаради, қирқилган ўрмонлар тез тикланади. Сув тағминоти масаласида ҳам бу жойда муаммо бўлмай, булоқлардан йигилган сув

сойда арик бўлиб кишин-ёзин шариллаб окиб туради. Сел хавфи ҳам жуда кам Йўлсойнинг Тахти Корача касри қурилган жой бўлиши мумкинлиги тўғрисида унинг топонимикасида ишоралар борми? Чунки Ўрта Осиёдаги кўпгина довонлар тагида жойлашган кишлоқ ёки водий номига уйкаш келади. Масалан, Кумбелсой юкори қисмида Кумбел довони, Илонсой, юкорисида Илонли довони, Сазвасой юкорисида Сазва довони, Шакоқсой юкорисида Шакоқ довони жойлашган бўлса, Йўлсой юкорисида «Йўлсой» довони эмас, Тахти Корача довони жойлашгандир. Топонимик номлар тўғри келмаслиги кишини мушохадага қорлайди. Дарвоқе бир вақтлар Тахти Корача касри Йўлсой юкорисида жойлашган бўлса кейинчалик унинг номи аввалга ўтиб Тахти Корача номига ўтган эмасмикан?

АМИР ТЕМУР ДАВРИДАГИ ҚАРВОН ЙЎЛЛАРИ

Ўз давлатининг гуллаб-яшнаши ва жаҳон сиёсий майдонида олд ўринни эгаллаши учун интилан Амир Темур ва унинг авлодлари яқин ва узоқдаги давлатлар билан савдо-дипломатик алоқаларни қучайтиришга интилишар эди. Бу алоқалар учун эса ўша давлатлар ўртасидаги мавжуд эски йўлларни тартибга солиш ва янгиларини қуриш керак бўларди. Масалан, Амир Темурнинг шахсан ўзи 1368-1398 йилларда Хитойга тўққиз дипломатик вакиллар гуруҳини юборган, Шохрух ва Улугбек эса 1403-1449 йиллар давомида 44 делегация, шу жумладан, Самарқанддан 33 делегация жўнатган эди.

Шу сабабли Амир Темур ва авлодлари мавжуд қарвон йўлларини таъмирлаш ва янгиларини қуришга катта эътибор қаратишганлар. Чунки Жаҳонгирнинг фикрича, давлатдаги йўллар унинг улугворлигига монанд бўлиши ва ҳар бир сайёҳ, дипломат ёки савдогар ўзини иложи борича бу йўлларда ҳавфсиз, қулай ва эркин сезиши керак эди. Йирик йўллар атрофида қудуқлар, сардобалар, қоравултепалар, захирадаги отлари билан почта станциялари (ямлар), мустаҳкамланган работлар, қарвонсарой ва меҳмонхоналар (лангарлар), сузувчи кўприқлар (гупсарлар) ва мустаҳкам кўприқлар ҳамда авкедуқлар (қоризларнинг бир тури) қурилган. Бунинг устига йирик аҳоли пунктларида алмаштириш хизматлари ва савдо бозорлари, йирик озик-овқат, қеракли маҳсулот, ем-ҳашак, ёқилғи захиралари мавжуд омборхоналар бўлган. Нуробод туманининг Тим қишлоғидаги қабил баъзи бир жойларда усти ёпиқ бозорлар қурилган.

Бир-бирига боғланган ушбу мураккаб савдо-йўл комплексига минг-минглаб одамлар хизмат қилишган. Улар қарвонларни жазирама иссиқ саҳролар орқали ёки осмонёпар тоғлардаги илонизи доғон йўлларида олиб ўтганлар, керак бўлган тақдирда фалокатга учраган қарвонларни қутқариш ишларини ҳам зиммаларига олганлар, табиий офатлар рўй берганида қўриқлаш ва таъмирлаш ишларини олиб борганлар, махсус жойларда ўтин, ем-хашак ва сув жамғармаларини йиғиб қўйганлар.

Амир Темур замонда Хитой ва Мўғилистондан бошланиб Самарқанд орқали Хиндистон ва Ғарбий Европа мамлакатларига чўзилган Буюк ипак йўли хали қучли ҳаракатда бўлган. Бу йўлга асос солинган даврни милодга қадар икки мингинчи йилларда деб олсак, милоднинг VI-IX асрларида у улкан халқаро савдо қарвон йўлига айланди. Амир Темур ва ундан кейинги даврда эса у Туроннинг ғарб ва шарқ ўртасидаги дипломатик алоқалари учун асосий йўл вазифасини бажарди.

Буюк ипак йўлининг икки йўналиш билан кетувчи тармоқлари, яъни шимолий ва марказий тармоқлари Самарқанд олдида туташар эди. Шимолий йўл Тянь-Шан тоғларини айланиб ўтиб, Боласугни, Тараз, Исиджаб (ҳозирги Сайрам), Бинкет (ҳозирги Тошкент) орқали ўтар, сувли Яксарт (ҳозирги Сирдарё)дан ўтиб Мирзачўлга чиқар эди. Қашқар орқали келувчи йўл эса Тянь-Шан ва Помир-Олой тоғлари доғонлари орқали Фарғона водийсига чиқар, кейин эса Хўжанд, Зомин орқали Самарқандга келиб шимолий йўл билан учрашар эди.

Бирлашган ипак йўлининг Самарқанддан Бухорогача бўлган қисми «Шох йўли» деб аталар ва у қадимий шаҳарлардан бўлган Қумушкент, Иштихон, Робинжон, Дабусия, Кермина ёнидан ўтарди. IX-XII асрларда бу йўлдан юрган араб сайёҳларининг гувоҳлик беришича, йўлнинг бу қисми қуюқ дарахтлар соясида, экинзорлардан оғалаб ўтар, сон-саноксиз каналлар ва ариқлар билан қесишарди.

Буюк ипак йўлининг жанубий тармоғи Қашқардан чиқиб Қунълун, Помир, Бадахшандан ўтар ўша даврда жуда йирик шаҳар бўлган Балхга чиқар, ундан ўтиб ғарбга қараб юрар ва ўша жойда шимолий тармоқлари билан учрашиб, яғона йўлга айланиб Рей ва Византияга қараб кетарди.

Шимолий ва жанубий тармоқлар яна субмеридионал қарвон йўллари орқали бир-бири билан туташган, бу жойда Самарқанд ва Балх шаҳарлари турган. Минг-минг йиллар давомида танлаб кенг қулай йўлга айланган қарвон йўли Жом орқали Насаф (Қарши), Гузор,

Дарбанд, Термизгача борган ва Амударё (Жайхун) кечувидан ўтиб Балхга караб кетган.

Амир Темури даврида эса бу йўлнинг бошқа бир қисқа тармоғи-пойтахт Самаркандни Амир Темурининг кадрдон шаҳри Кеш билан боғловчи ва 1675 м баландликдаги тоғ доғони Тахти Қорача орқали ўтувчи тоғ йўлининг мавқеи кескин ошди. Амир Темури бу йўлдан кўп юргани учун уни «Амир йўли» деб аташган. Бу йўл билан юрилганда Самарканд ва Кеш орасидаги масофа атиги 10-12 фарсахни (80 км) ташкил этарди. Чопарлар бу йўлни кунда босиб ўтишар ва ҳозирги Омонқўтон кишлоғи ўрнида тунашар, қарвонлар учун эса йўлга тўрт кун вақт кетиб, Заруиза кишлоғида (Қоратепа тоғининг шимолий-шарқидаги Баҳрин почта станцияси ўрнида), Омонқўтонда, доғдан ошгандан кейин эса ёки Чохор раббатда ёки Қайнар кишлоғидаги Хушуненджекент деб номланиб баланд тепалик устида жойлашган қасрда тўхтаб ўтишган. Амир йўли доғмо таъмирлаб турилган, атрофи ободонлаштирилган ва қенгайтирилган. Амир йўлининг, айниқса, Қоратепадан Қайнарғача бўлган қисми алоҳида назорат қилинган. Узунлиги 30 км ёки 6 фарсах бўлган йўлнинг бу қисмида қишлоқ-баҳорчи ёмғирлардан кейин атрофдаги қишлоқлар аҳолисининг қучи билан қайта таъмирлаш ишлари олиб боришар ва доғмо тартибли ҳолда сақланар эди.

Ҳозирги вақтда «Амир йўли»нинг деярли барча қисми сақланиб қолган. Йўл Омонқўтонсойдан бир текис дарё қирғоғи бўйлаб кўтарилиб боради ва доғ олдидаги Момобулоқ хавзасига бориб такалади. Бу жойда қарвонсарой қолдиқлари сақланиб қолган. Унинг баъзи бир қисмларини баҳор селлари ювиб кетган, ариқлар қесиб ўтган ёки ёввойи ўсимликлар босиб кетган бўлса ҳам ханузгача яхши сақланган. Доғдан кейин эса у илонизи шаклида тоғнинг қояли ёнбағирлари бўйлаб пасайиб боради ва кўпчилик жойда тоғнинг сувайирғич қисмига монанд равишда кетади. Бу жойда йўл анча қенг бўлиб 6-8 метргача боради, бу эса қарама-қарши томондан келаётган қарвонларни бемалол четлаб ўтиш имкониятини берган. Йўлнинг жар томонга қараган қисмига қарсанг бўлақлари девор шаклида териб чиқилган, бу эса юкли хайвонларни жарга қулаб кетиш хавфидан сақлаб қолган. Бунинг устига бу девор йўлни қучли шамол ва бўрондан ҳам муҳофаза қилган. Баъзи бир қисмларида «Амир йўли» бир неча тармоқларга бўлинган, бу эса оғир кўтарилиш, тушишдан қарчаган қарвонларга бундай жойларда дам олиш имконини берган. Ёнбағирнинг ўрта қисмида йўлнинг тармоғи баланд гранит қоя билан муҳофаза

этилиб, бу ерда энг кучли бўрон вақтида ҳам кўп сонли карвонлар жон саклаши мумкин бўлган. Паналик олдида ёши 500 йилдан кам бўлмаган улкан арча дарахти ўсиб турибди. Эхтимол, кандайдир конун коидалар асосда бу жойдаги ягона арчага тегинилмай саклаб қолинган бўлиши мумкин, атрофида ундан бошқа арча кўринмайди. Йўлнинг мураккаб ва хавфли қисми икки ариқ бирлашган кенггина майдончада тугаб, бу ерда ўрта асрлардаги каттагина шаҳарча Чохор работ ястанган. Манзилда ҳатто энг кучли бўрон пайтида ҳам кўп сонли карвонлар жон саклаши мумкин бўлган. Ён атрофни пишган гишт қолдиқлари, синган бўлақлари, бузилган хумдон қолдиқлари қоплаган. Қайнар қишлоғида маҳаллий аҳоли маълумотига кўра бу ерда яқингача гишт ишлаб чиқарилган.

«Амир йўли» асримизнинг 30-йилларигача фаолият кўрсатган. Бу йўлни охирига таъмирлаш ишлари эса ўзининг кўприқлар, йўллар, сув ховзалари кўриш ишига қизиққанлиги билан машҳур бўлган «қурувчи», хон Абдуллахон замонидан бажарилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида эса рус колонизаторлари Бухоро амири билан қелишган ҳолда Самарқанд-Термиз трактини «Амир йўли»дан гарброкдан ўтказган. Янги тракт бўйича автомобил қатнови йўлга қўйилганидан кейин эски карвон йўли деярли эсан қолди. У аста-секин бузила бошлади, йўлни тош бўлақлари қоплади, баҳорги ёғинлар ювиб қетди, энг қечка жанубий қисми Чохор Работ олдида эса бульдозер йўлни тўлиқ тўсиб қўйди.

«Амир йўли» бизнинг вақтимизда ҳам тўлиқ сакланиб қолган ва озрок таъмирлаш ишлари ўтказилиб, у орқали тарихга қизиқувчи туристлар гуруҳлари экскурсияларини ўтказиш мумкин. Шунингдек «Амир йўли»да археологик изланишлар ўтказилса, ўлкамиз тарихининг қанчалар номаълум саҳифаларини очиш мумкин бўларди.

САМАРКАНД ТУЗИ ТАЪРИФИ

Ўзбекистон бозорлари нақадар бой ва қилма-қилдир. Сершовкин расталар орасида юрар экансиз, республикамиз кўпгина вилоятлар бозорларида пештахтадан ўрин олган қизғиш туз бўлақлари диққатингизни жалб этади. Одатда бундай тош туз бўлақлари, магазин оқ тузига нисбатан баҳоси анча қиммат бўлишига қарамасдан, тезда сотилиб қетади. Самарқанд ва жанубий вилоятлардан бошқа ҳамма жойда бу машҳур «Самарқанд тузи», Самарқанднинг ўзида эса «Қарши тузи» деб аташади.

Маълумотларга кўра, у Самарканд вилояти жанубидан кейинги майдонларда казиб олиниб ўзининг фойдалилиги ва таъми билан магазин тузидан кескин фарк килар экан.

Ўзбекистон яна бир табиий бойлиги –шаркнинг машхур кизил тузи билан бутун дунёда кадим замонлардан бери машхурдир. мамлакатимиз туз бойликлари хакидаги биринчи маълумотни биз кадимги рим тарихчиси, эрамизнинг I асрида яшаган Плинийнинг асарларидан топамиз. У Бактриянинг Скиф томонидаги ош тузи олинадиган кўлни гапирар экан, эхтимол хозирги тузга бой Тузкопни назарда тутган бўлиши мумкин.

Бундан ташкари, Плинийга Бактрия тоғларидаги кизгиш рангли тош тузи маълум бўлиб, у бу тузларни Ор ёки Ох дарёси ёкасида деб ёзган эди.

V-VI асрдаги Хитой кўлёмаларида Кан (Самарканд)нинг жанубидаги Гашени вилоятида «Ердан кизил туз чикади», деб ёзилган ва бу билан юкорида таърифланган Самарканд ёки «Карши» тузи назарда тутилган бўлса керак. Айникса, кадимий Ўзбекистоннинг хархил рангли тузлари ўша даврлардаги Хитой сайёхларини хаяжонга солишган. Чунки кадимий Хитойда тузни денгиз сувидан, VII асрдан бошлаб эса кўл сувидан буглатиш оркали олишар эди. Шу сабабли кадимий Хитой кўлёмаларида Зарафшон дарёсининг куйи окимидаги Анъ ёки Пухо вилоятида Хитой элчисига «беш рангли тузни», совга килишганини хайрат билан хикоя килишади. 751 йилда Хитой хукмдорига юборилган совгалар ичида Хоразмнинг «кора рангли тузи», (Хо-Сюн) борлигини хам ўша кўлёмалардан биламиз.

IX-X аср кўлёмаларида «Кешнинг туз кони» таърифланиб, (бу хозирги Гузор шахридан 64 км узокда жойлашган Бахшурд туз конига тўгри келади) муаллиф Худуд-ал-Алам берган маълумотга кўра, бундай туз бошка хеч каерда бўлмаган. Бу туз кони хакида ўша вақтдаги барча сайёхлар ва айникса 1222 йилда даослик сайёх Чан-Чун билан шу жойдан ўтган хитойлик тарихчилар ёзиб колдирганлар.

Машхур сайёх Марко Поло XIII асрда Ўрта Осиёнинг жанубий кисми билан ўтиб кетар экан, хозир Афғонистоннинг шимолида жойлашган Талликон конини ўрганиб «Бу ерда туз шунчалик кўпки (эхтимол, у Амударё юкорисидаги барча конларни назарда тутган бўлса керак) у дунёдаги барча инсониятга асрлар мобойнида етади», деб ёзган эди.

XVIII асрда яшаган сайёх Ф.Ефремовнинг, Бухорода туз етишмайди ва унга тузни кўшни давлатлар-калмиклар, киргизлар «ок

араблар» ва бир қисм хиваликлар юртидан келтирилади, деган фикри нотўғри, адашиш оқибати бўлса керак. Бу вақтда ўтган замонлардек туз бир канча конлардан ва Зарафшон дарёси қуйи оқимида жойлашган шўр сувли қўлдан казиб олинган. Бу қўл Қоракўл яқинида бўлган ва ўша вақтдаги сайёҳ А.Берне томонидан «Ходжа Ганори» ҳам деб аталган. Бу жойдан қора рангли паст сифатли туз казиб олинган ва унинг бир туяси 600 фунт (240 кг) атрофида бўлиб, ўтган асрнинг 30 йилларида тўртдан бир тилло ёки 90 тийин атрофида бўлган. Ош тузи турларидан бирини XVIII аср сайёҳи Хрисанф «ранги кизил мармар шаклида» деб таърифлаган ва у Башкур қишлоғи ёнидаги қондан казиб олинган машҳур туз бўлган. Ўзининг «ширинроқ» таъми билан машҳур бўлган бу туз Бухоро, Кермана ва Самарқандда «Қарши тузи» номи билан машҳур бўлган, чунки маҳсулот бу жойларга Қарши орқали келган, Тошкент ва бошқа шимолий вилоятларда эса «Самарқанд тузи» деб аталган, чунки у жойларга Самарқанд орқали жўнатилган.

Ҳозирги геологик маълумотларга кўра жанубий Ўзбекистонда ва унинг атрофидаги ҳудудларда 20 дан ошиқроқ ош тузи ва 5-6 калий тузи қонлари мавжуд. Уларнинг умумий миқдори геологлар Петров ва Чистаковлар фикрича, 20-25 миллиард тоннадан кам эмас. Туз қатламлари қалинлиги 300-400 метрни ташкил этади. Буларга Гаурдоқ, Лайлимқон, Түбегатанг, Окбош, Одамтош, Бобосурхон, Контоғ, Гаухона, Байблчқон ва бошқалар мисол бўлади. Ўзбекистонда энг қадимий туз казиб олинган Лайлимқондаги туз пайдо бўлиши тўғрисида маҳаллий аҳоли ўртасида бир афсона мавжуддир. Бу афсонага кўра қоннинг ўрни бирданига чўкиб кетган ва чўккан жойда ёрик пайдо бўлиб, бу ёриқдан олов отилиб чиққан, атрофдаги барча арча ўрмонзорлари қуйибқул бўлган. Олов нўчганда тоғ ёнбағрида тош тузи бўлақлари пайдо бўлиб, уни яламатуз деб аташган. Ўша яламатуз кейинчалик казиб олибниб, рўзгорда ишлатила бошланган.

Бу туз қонларидаги минераллар хлоритлар-галит, силвин, карналлитдан ташкил топган. Бундан ташқари улар ҳар хил микроэлементлар билан бойиган. Шу сабабли бу туз қатламлари кизил, қуланг, сарик-турфа рангга қиради. Микроэлементлар тузга маззали таъм ва ҳаттоки шифобахш хусусиятлар беришган. Шу сабабли маҳаллий аҳоли бу тузлардан озик-овқат тайёрлашда ва касалликларни даволашда фойдаланади.

АДАБИЁТЛАР

1. М.Хашимов. Религиозные и духовные палатники Цантральной Азии. - Алмати: Сата, 2001.
2. Путешествие Ибн Баттути. Арабский мир и Центральная Азия. – Ташкент, 1996.
3. Беруний. Кимматбахо тошларни аниклаш учун маълумотлар йигиш (минералогия) –Тошкент, 1980.
4. Л.Н.Гумилев. Хунны. М. 1979.
5. Самарканд. Музей под открытым небом. -Ташкент. 1986.
6. Нагим-Бек Нурмухамедов. Мавзолей Ходжа Ахмеда Яссави. - Алма-Ата. 1980.
7. Л.А.Канаев. Пещера Амира Темура. Сборник. СамГУ, 1956. (Естественные науки)
8. Е.Березиков. Светые лики Туркестана. –Ташкент. Камалак, 1992.
9. Древние авторы о Средней Азии. Издания ОГИЗ. 1940.
10. В. Григорьев. Походи Александра Македонского. СПб. 1891.
11. Н.В.Мушкетов. Туркестан. СПб. 1910.
12. Гиёсиддин Али. «Темурнинг Хиндистонга юриши кундаликлари». –Тошкент. 1980.
13. Захриддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. –Тошкент. 1982.

М У Н Д А Р И Ж А

1. Мукаддима.....	3
2. Самарканд ва нодир тошлар.....	4
3. Амир Темур ва Ахмад Яссавий.....	9
4. Амир Темур номидаги табиат обидалари.....	12
5. Амир Темур Курагони ва Амир Темур горлари.....	13
6. Темур дарвозасидан Темир дарвозагача.....	18
7. Амир Темурнинг Самарканд атрофида тўхтаган жойлари..	24
8. Амир Темур ва Александр Македонский йўллари кесишганми?.....	30
9. Амир Темурнинг Тахти Корача боги кайси жойда жойлашган?.....	32
10. Амир Темур давридаги карвон йўллари.....	36
11. Самарканд тузи тарихи.....	39
12. Адабиётлар.....	42

Илмий – публицистик нашр

**Ғ. Кудратов, М. Хошимов, С.Каримов,
М. Хошимова, И.Усмонов**

Самарканд ва Сохибкирон

«Зарафшон» нашриёти, Самарканд, 2007.

Мухаррир Ё. Норматов

Техник мухаррир Н. Турдибоев

Мусаххих Ф. Ахмедова

2007 йил 14 майда теришга рухсат этилди. 2007 йил 23 майда босишга рухсат берилди. Когоз ьлчами 84х60, Нашриёт хисоб табоги 1,8. Нашр табоги 2 б.т. Офест когози. Буюртма № 165, Адади 200 нусха.

Бахоси келишилган нархда.

«Зарафшон» нашриёти, 140100,

Самарканд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9 уй

Самарканд иктисодиёт ва сервис институти босмахонасида чоп этилди.

Самарканд шаҳри, Шохрух кўчаси 60- уй